

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

# МИКРООБЪЕКТЛАР ТАДҚИҚОТИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

Масъул муҳаррир юридик фанлар номзоди, доцент  
Т.Б.Маматкулов

ТОШКЕНТ–2017

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

*Муаллифлар:*

Г.Ф. Никишин, А.Д. Хусанов, Т.Б. Маматқулов, М.М.Луқмонов

*Тақризчилар:*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова  
номли Республика суд экспертиза маркази директори ўринбосари,  
юримдик фанлар номзоди, доцент **А.К.Зақурлаев;**  
юримдик фанлар доктори, доцент **Д.М.Миразов**

М-49        **Микрообъектлар тадқиқоти: Ўқув қўлланма / Г.Ф.Никишин**  
ва бошқ; Масъул муҳаррир юримдик фанлар номзоди, доцент  
Т.Б.Маматқулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси, 2017. – 88 б.

Қўлланмада микрообъектлар тадқиқотларининг методологик, процессуал,  
тактик ва методик жиҳатлари ёритилган. Микрообъектлар тадқиқотига бундай  
ёндашув улар ёрдамида олинадиган криминалистик аҳамиятга эга маълумотлардан  
унумли фойдаланиш ва натижада жинойтларни очиш самарадорлиги ҳамда уларни  
тергов қилишда далилий асосларни шакллантиришга имкон беради.

ИИВ Академияси ва Вазирлик олий таълим муассасаларининг тингловчи ва  
курсантларига, профессор-ўқитувчиларига, ички ишлар органларининг амалиётчи  
ходимларига, шунингдек, мазкур йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб борув-  
чиларга мўлжалланган.

**ББК 67.99 (5У) 94я73**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017

## СЎЗ БОШИ

Турлича жисмларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида, шунингдек, ҳар қандай жиноят содир этилганида ҳам микрообъектлар ҳосил бўлади. Жиноятнинг моддий шароитларидаги турли буюмларда микрообъектларнинг мавжуд бўлиши анъанавий излар манзарасини тўлдиради, чунки микрообъектлар бошқа турдаги объектлардан фарқли равишда маълумотларга бойлиги нуқтаи назаридан такрорланмас, белгилар мажмуига эга бўлади. Бу белгилар турли таъсирларга нисбатан турғун, чидамли ва уларнинг локаллашиши содир бўлган ҳодисанинг механизмини янада тўла ва чуқурроқ тушунишга имкон бера олади.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда микрообъектлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ва бошқа соҳавий хизматлари ходимларининг эътиборидан четда бўлмаган, аммо таъкидлаш жоизки, бутун диққат-эътибор асосан микрообъектларнинг экспертиза тадқиқотларининг методик таъминотига йўналтирилган. Аммо, экспертиза – бутун иш фаолиятининг якуний босқичларидан бири ҳисобланади. Микрообъектлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари эса бирмунча талаб даражасида эмас. Жумладан, микрообъектлардан фойдаланишнинг назарий муаммолари етарлича ўрганилмаган. Дарҳақиқат, ушбу йўналиш бўйича махсус адабиётлар ўрганилса, микрообъектлар тадқиқотларига оид махсус атамаларнинг турлича талқин этилиши, ҳар бир илмий йўналишда мавжуд билимларни тизимлаштириш жараёнининг охирига етказилмаганлиги кабиларни кўриш мумкин.

Криминалист-олимлар ва амалиётчи ходимларнинг қизиқишлари билан ифодаланадиган узоқ тарихга ва бошқа моддий изларга нисбатан яққол ифодаланадиган ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан микрообъектлар жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг техник-криминалистик таъминотида алоҳида ўрин тутади. Чунки микрообъектлардан кенг ва самарали фойдаланиш исботлов жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради.

Жиноятчиликка қарши курашда микрообъектлардан фойдаланишда криминалистика фани ва суд-экспертизасининг асосий принципларидан бири – илмий билимларнинг интеграцияси принципи ўз

аксини топади. Микрообъектлар билан ишлашнинг барча босқичларида (яъни, уларни излаб топишдан бошлаб то экспертиза тадқиқотлари натижаларини баҳолашгача) турлича табиий ва ҳуқуқий фанларнинг қоидаларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари томонидан микрообъектларни аниқлаб олиш ва уларнинг тегишли (дастлабки ёки криминалистик) тадқиқотлари мунтазам равишда ўтказиб келинади. Агар статистик маълумотларга мурожаат қилинса қуйидагиларни кўриш мумкин.

Масалан, ушбу хизмат ходимлари томонидан:

2015 йилда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматларининг 2015 йилнинг 12 ойи якуни бўйича асосий аналитик маълумотларга» кўра республика бўйича 2015 йилда 970690 та жиноят бўйича экспертлар оператив-қидирув тадбирлар ва тергов ҳаракатларида иштирок этишган бўлиб, улардан 446980 тасида – 46,85% жиноятларни очишда кўмаклашишган, 30736 та турли экспертизалар тайинланган улардан 26580 таси – 86,48% бўйича ижобий хулоса берилган, 305910 та тадқиқотлар амалга оширилиб, улардан 106754 таси – 34,9% ижобий хулоса берилган, ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этиш 45096 та бўлиб, ундан 36156 таси – 80,18% ижобий хулосалар берилган, дактоҳисоб ёрдамида 2020 та жиноятнинг очилишида кўмаклашилган. Ушбу аналитик маълумотларга кўра ҳодиса содир бўлган жойдан далилий ашёларни олиш бўйича микрозаррачалар олинганлиги қайд этилмаган<sup>1</sup>.

2016 йилда жами ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш тадбирларида микрообъектлар деярли аниқлаб олинмаган ва жиноятларни очиш ёки жиноятчиларни қидиришга кўмаклашувчи маълумотлар деярли берилмаган.

Ушбу маълумотларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, криминалистик экспертизаларнинг барча имкониятларига қарамасдан бу соҳада айрим муаммолар ҳам учрайди. Ушбу муаммоларнинг энг асосийлари сирасига эксперт-криминалистар малакасининг етишмаслиги ёки билим савияларининг замонавий талаблар даража-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг 2016 йил 21 январь куни бўлиб ўтган йиғилишининг ВХ-1-сонли қарорида келтирилган маълумотлар.

сида эмаслиги (масалан, микрообъектларни ҳодиса жойида етарлича тарзда аниқлаб олинмаслиги, дастлабки тадқиқотлар ўтказишда зарур мантикий усуллар ва операцияларни нотўғри қўллаш, объектив борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни бузилган ҳолда тасаввур қилиш, ўрнатилган қоидалар ёки уларнинг тартибини бузиш, ушбу фаолият учун мўлжалланган воситалардан нотўғри фойдаланиш) билан боғлиқ муаммолардир. Ваҳоланки, жинойтчиликка қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш, жинойтнинг очилиши ва тергов жараёнининг самараси ушбу фаолият субъектларининг касбий маҳорати даражасига боғлиқдир. Касбий маҳорат даражасини эса биринчи навбатда қидирув-изланиш фаолияти субъектларининг таълим жараёнида ва амалий машғулотларда олган махсус билимлари белгилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ашъёвий далиллар ичида, микроскопик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган, кичик ўлчамли объектлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай объектлар қаторига чанг зарралари кўринишидаги тупроқ бирикмалари, толали махсулотлар, кўчган бўёқ қатламлари, зарралари ҳамда бошқа шунга ўхшаш объектларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда микрообъектлар ҳақидаги назарий билимлар ва уларнинг амалий фаолиятда татбиқ этилиши жараёни эмпирик материалларни тўплаш ва таҳлил қилиш босқичига етиб келди. Шу боис, бу билимларни ва амалий тажрибаларни тизимлаштириш ва микрообъектлар ҳақидаги билимлар алоҳида мустақил таълимот сифатида шаклланимоқда. Бунинг учун ушбу таълимотнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, криминалистика ва суд-экспертиза тизимидаги ўрнини аниқлаш, вазифаларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий асосини яратиш лозим. Ушбу қўлланмада айнан шу масалаларни ёритишга ҳаракат қилинган.

## 1-§. «МИКРООБЪЕКТЛАР» ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Ҳар қандай турдаги жиноятни очиш ва тергов қилиш ушбу салбий ҳодисанинг жараёни ва моддий объектларига алоқадор маълумотларга узвий боғлиқдир. Ҳодиса содир бўлган жойдаги моддий объектлар ўзаро таъсирлашади ва натижада уларнинг ҳолати ўзгаради. Бу ўзгариш эса объектлар заррачаларининг ўзаро алмашинуви натижасида юзага келади. Объектларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида объектларнинг ўзида ҳам, уларнинг атрофида ҳам ўзгаришлар юз беради. Содир этилган жиноят ҳодисасига нисбатан бу ҳолат муҳитдаги ҳодисанинг натижаси билан ифодаланади, яъни жиноятнинг изли картинаси ҳосил бўлади.

Маълумки, криминалистика фанида излар ўрганилади ва улар орасида турли хил жуда кичик ўлчамли излар (чанг, тупроқ бирлашмалари, ҳар хил толалар, одам, биологик, ўсимлик ёки ҳайвондан келиб чиқишига эга заррачалар, бўёқ томчилари, турли қириндилар, лок-бўёқ қопламаларининг қириндилари, турли ифлосланишлар, турли моддалар ҳамда ўсимликларнинг заррачалари ва ҳ.к.) алоҳида ўрин тутади. Агар бу моддий объектлар – майда жисмлар (микрообъектлар) жиноят ҳодисаси билан сабабий боғлиқликда, яъни улар жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ёки яшириш жараёнида ҳосил бўлган ҳамда булар ҳақида тегишли маълумотларни ўзида сақлаб қолган бўлса, у ҳолда микрообъектлар криминалистик нуқтаи назардан из деб ҳисобланади.

Бу объектларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни қизиқтирувчи ҳодисалар билан боғлиқлиги ва жиноят ёки унинг алоҳида эпизодини тушунишга ёки тушунтиришга имкон берадиган аҳамияти аввалдан маълум. Криминалистика фани ва суд-экспертизаларининг ривожланиши билан бир қаторда тегишли тадқиқот объектларининг текшириш методлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Тадқиқотларнинг имкониятлари ҳақидаги қарашлар ҳам ижобий томонга ўзгармоқда. Бироқ, микрообъектлардан жиноятчиликка қарши курашнинг кўп асрлик тарихига қарамасдан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда микрообъектларни криминалистик изларнинг айнан қайси гуруҳига киритиш масалалари, микрообъектлар тадқиқотларига оид махсус атамаларни ишлаб чиқиш ва ягона тарзда талқин қилиш бўйича вазифалар охиригача ҳал этилмаган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси суд-экспертиза муассасаларининг замонавий имкониятлари изларнинг ушбу турига қуйидагича ёндашувни талаб қилади:

*биринчидан*, микрообъектларнинг жиноят ҳодисаси билан сабабий боғлиқликда эканлиги нуқтаи назаридан;

*иккинчидан*, микрообъектлар ҳақидаги назарий билимларнинг криминалистик техниканинг ягона назариясига интеграллашув нуқтаи назаридан;

*учинчидан*, суд-экспертизасининг алоҳида бир соҳаси – микрообъектология сифатида ўрганиш нуқтаи назаридан.

Маълумки, жиноят ҳодисаси билан боғлиқ микрообъектлар:

– из ҳисобланади ва юқори ахборотли аҳамиятга эга;  
– улар бошқа объектлар билан бир қаторда ашёвий далил сифатида майдонга чиқади;

– микрообъектларни қидириш, аниқлаш ва олиш ўзига хос хусусиятга эга;

– микрообъектларнинг тадқиқотлари эксперт олдида қўйилган вазифаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, асосан физикавий-кимёвий методлар билан амалга оширилади;

– ҳозирги кунга келиб суд-экспертизасида микрообъектлар тадқиқотлари билан боғлиқ алоҳида йўналиш вужудга келган ва мустақил таълимот сифатида шаклланмоқда.

Шу боис, микрообъектлар тадқиқотлари билан боғлиқ махсус атамаларни кўриб чиқиш зарурати юзага келади. «Микрообъект» атамасининг асосини юнонча «mikros» – «кичик» сўзи ташкил қилади ва у миқдорий белги, яъни жуда кичик ўлчам ва ҳажмли объект, жисм, модда ёки элементни ифодалайди.

Умуман, ҳозирги кунда микрообъектларни бошқа турдаги объектлардан ажратиш учун қуйидаги уч йўналиш мавжуд:

- 1) аниқ ўлчамли хусусиятларини ифодалаш билан;
- 2) микрообъектларнинг сифатга оид белгиларини акс эттириш воситаси билан;
- 3) миқдор ва сифатга оид мезонлар мажмуи билан.

Таъкидлаш жоизки, криминалистикада микрообъектлар бўлиб турли моддий ҳосилалар ҳисобланади. Бу микротолалар, лок-бўёқ материаллари ва қопламаларининг заррачалари, шиша парчалари ва наркотик воситаларининг заррачалари, турли биологик ажратмалар ва шу кабилар ҳисобланади. Улар нафақат табиати билан, балки ташқи ва ички тузилиши, криминалистик аҳамиятга эга белгилари-

нинг хусусияти, кўриниш даражаси, морфологик белгиларининг ифодаланганлик даражаси, хосса ва хусусиятларини ўзгартирмасдан қайд этиш ва олиш имкониятларига кўра ҳам ўзаро фарқланади. Шу боис, барча турдаги микрообъектлар учун ягона миқдорга оид мезон ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Турли объектларни микрообъект деб ҳисоблаш учун ҳозирги кунда криминалист-олимлар томонидан микрообъектларнинг қуйидаги хусусиятлари таклиф қилинган:

- 1) кичик ўлчамли, майда, жуда майда объектлар;
- 2) жуда кам миқдордаги анъанавий объектлар;
- 3) чексиз майда объектлар;
- 4) жуда кичик ўлчамли объектлар;
- 5) парамикрообъект, ультрамикрообъект ва субмикрообъектлар;
- 6) оддий кўз билан яхши кўринмайдиган объектлар;
- 7) кам миқдор ва ва жуда кичик майдонга эга объектлар;
- 8) ажратиб бўлмайдиган даражадаги кичик чегара ва ташқи тузилишли белгиларга эга объектлар;
- 9) оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган майда заррачалар;
- 10) оддий шароитларда кўринмайдиган майда жисмлар ёки материал ва моддаларнинг жуда кам миқдори;
- 11) шакли ва ўлчамлари оддий кўз билан кўринмайдиган кичик ўлчамли моддий объектлар;
- 12) тадқиқотлар учун махсус техник восита ва методлар талаб этиладиган объектлар;
- 13) майда ашёвий далиллардан яна ҳам кичик миқдорга оид хусусиятлари билан фарқ қиладиган объектлар.

Микрообъектларни бошқа турдаги объектлардан фарқлаш учун қуйидаги ёндашувлар мавжуд: уларни табиий ва бошқа фанларда қабул қилинган ўлчам, ҳажмий ёки оғирлик хусусиятларига кўра ўрганиш; асос сифатида уларни аниқлаб олиш ва тадқиқ қилиш учун қўлланиладиган махсус методларни олиш; аралаш шаклда фарқлаш, яъни микрообъектларни миқдор, сифат ёки аралаш шаклда баҳолаб ажратиш. Шу боисдан, микрообъектларнинг тушунчасини тўлиқ ёритиш зарур. Микрообъектлар – бу ашёвий далиллар ҳисобланадиган моддий ҳосилалар бўлиб, материаллар ва моддаларнинг суд экспертизалари доирасида текширилади. Ушбу текширувларнинг методологик асоси табиий фанлар (физика, кимё, биология ва ҳ.к.), шунингдек, криминалистика ва суд-экспертизасининг тегишли соҳалари ҳисобланади. Юқоридагидан қуйидаги таъриф келиб чиқади:



*Микрообъектлар деганда, барқарор ташиқи тузилишига эга, турли хусусиятлари шартли равишда «юқори» ва «қуйи чегаралар» деб номланадиган чегара орасида жойлашган ҳосилалар тушунилади. Юқори чегара – микрообъектларнинг мавжудлиги ва уларнинг тегишли хоссаларини аниқлаш ҳамда объектни алоҳидалаштириш учун техник воситаларни қўллаш зарурати, «қуйи чегара» эса морфологик текширишлар имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади.*

Соддароқ айтилса, микрообъектлар – микроскопик ўлчамга эга ҳар қандай жисм. Каттароқ объект (жисм, буюм)ларнинг таркибий қисми бўлган микрообъектлар у ёки бу тарзда бу объектларнинг хусусиятларини акс эттиради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни келтириш мумкин:

*Микрообъектлар деганда, жиноят ҳодисасига тегишли бўлган ўлчамлари ва массалари кичик бўлган шундай объектлар тушуниладики, уларни ҳодиса жойида топиш, олиш ва тадқиқ қилиш махсус восита ва аппаратларнинг қўлланишини талаб қилади.*

Микрообъектлар билан ишлаш ўзига бир неча босқични қамраб олади:

- 1) ҳодиса жойида микрообъектларни қидириш ва топиш;
- 2) техник қайд этиш (фото, видеотасвирга олиш);
- 3) кўздан кечириш;
- 4) микрообъектларни олиш;
- 5) ҳодиса жойида микрообъектларнинг «экспресс таҳлили» ва дастлабки тадқиқоти;
- 6) микрообъектларни кўздан кечириш баённомасида қайд этиш;
- 7) микрообъектларни ўраб жойлаштириш;
- 8) микрообъектларни сақлаш;
- 9) микрообъектлар бўйича экспертиза тайинлаш.

Ҳар бир босқичнинг ўзига хос алоҳида вазифалари мавжуд ва уларнинг барчасини микрообъектнинг тури, кўриниши ва гуруҳини фарқлаш учун етарли бўлган белгиларни аниқлашдек умумий вазифага бирлаштириш мумкин. Юқоридагилардан, микрообъектларнинг, улар аниқлаб олингандан бошлаб гуруҳий мансублиги (аввал, тури, кейин гуруҳи)ни аниқлашдан бошланадиган ва экспертиза хулосаси билан яқунланадиган микрообъектлар билан ишлаш технологияси юзага келади.

Микрообъектларнинг юқоридаги таърифидан, уларнинг таснифланиши ва текширишлар жараёнида ишлатиладиган махсус атама-лар келиб чиқади.

### ***Микроизлар:***

- микрообъектлар;
- микрозаррачалар;
- модаларнинг микромиқдори;
- микробелгилар;
- микромодалар;
- тушган излар ва бошқ.

### ***Микромодалар:***

- микрообъектлар;
- микрозаррачалар;
- микроизлар;
- микроэлементлар;
- тушган излар ва бошқ.

Юқоридаги махсус атамаларнинг мазмунини кўриб чиқайлик.

#### **1. Микроизлар:**

- кичик ўлчамга эга бўлган анъанавий трасологик излар;
- микрозаррачалар мавжудлиги ҳисобига моддий объектларда юз берган ўзгаришлар.

#### **2. Микрозаррачалар:**

- барқарор геометрик ва морфологик хусусиятга эга қаттиқ жисмлар;
- оддий шароитларда кўринмайдиган ёки яхши кўринмайдиган турли майда жисмлар.

#### **3. Микромодалар:**

- материянинг сифатга оид моҳияти, физик жисмнинг таркибий қисми. У қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатида бўлиши мумкин, «микро-модда» атамаси бу ҳолатлар орасидаги фарқларни ифодаламайди.

#### **4. Микротола-излар:**

- барқарор хусусиятларга эга, кичик оғирлик ва барқарор ташқи шаклга эга, узунлиги қалинлигидан бировгина фарқ қиладиган жисмлар (турли матолар, иплар, арқон, соч толалари ва ҳ.к.).

#### **5. Тўкилувчан модалар:**

- барқарор геометрик ва морфологик хусусиятга эга қаттиқ жисмлар;
- кўп миқдордаги қаттиқ заррачаларнинг йиғиндиси ва ушбу заррачаларнинг ўлчами жуда кичик бўлади.

Таъкидлаш жоизки, тўкилувчан модаларнинг алоҳида бир заррачасигина микрообъект ҳисобланади ва бу алоҳида заррача ушбу тўкилувчан модданинг микромиқдори ҳисобланмайди. «Микро-миқдор» атамаси эса суюқ модаларга нисбатан ишлатилади.

Юқорида таъкидланганидек, экспертиза тадқиқотларига тақдим этилгунига қадар, микрообъектлар билан ишлаш бир неча босқичдан иборат бўлади: қидириш, аниқлаш, қайд этиш, олиш ва дастлабки тадқиқ қилиш. Бу босқичларнинг ҳар бири микрообъектларнинг у ёки бу белгиларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва иш фаолияти технологиясини аниқлайди. Кўриниб турибдики, микрообъектлар билан ишлаш кўп босқичли жараён. Ҳар бир босқичда юзага келган тергов вазиятига боғлиқ ҳолда тегишли вазифалар бажарилади ва керакли натижалар олиш имконияти ҳисобга олинади. Микрообъектларнинг таснифланиши ҳам ушбу жараёнга мос бўлиши лозим, яъни микрообъектлар билан ишлаш жараёнининг ҳар бир босқичи талабига мос келувчи таснифлаш тизими зарур бўлади. Шу боис, *микрообъектларнинг қуйидаги таснифлаш тизими* ишлаб чиқилган:

– микрообъектларни аниқлаш ва олишда қўлланиладиган (биринчи даража) таснифлаш тизими;

– микрообъектларнинг турга мансублигини ва унга мос ҳолда экспертиза тадқиқотлари турини аниқлашда қўлланиладиган (иккинчи даража) таснифлаш тизими. Масалан, агар микрообъект материал ёки модда ҳисобланса, у ҳолда айнан шу турдаги объектларнинг тадқиқотлари, агар микрообъект биологик модда бўлса, биологик тадқиқот ва экспертизалар тайинланиши лозим;

– микрообъектларнинг гуруҳий мансублигини ва унга мос ҳолда тайинланадиган экспертиза турини аниқлашда қўлланиладиган (учинчи даража) таснифлаш тизими. Масалан, микрообъект толали материал ҳисобланади ва толалар материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг экспертизаси тайинланади);

– микрообъектларнинг индивидуал мансублигини аниқлашда қўлланиладиган (тўртинчи даража) таснифлаш тизими.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, микрообъектларни турли асосларга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) моддий мавжудлик шаклига кўра;
- 2) кўриниш даражасига кўра;
- 3) мустаҳкам шаклининг мавжудлигига кўра;
- 4) келиб чиқиш манбаига кўра;
- 5) гуруҳий тегишлилигига кўра;
- 6) из ташувчи билан таъсирлашиши, алоқасига кўра;
- 7) физикавий хусусиятларига кўра;
- 8) бошқа асослар бўйича.

Микрообъектлар моддий мавжудлик шаклига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1) микроразрлар (бирор буюм ёки объектларнинг майда зарралари);

2) микроизлар (изларни қидиришда уларнинг майда қисмчаларининг топилиши);

3) микро из-моддалар (қон томчилари, автомашина мойлари ва бошқа шунга ўхшаш моддаларнинг кичик қисмлари).

Микрообъектлар кўриниш даражасига кўра, хира кўринувчан ва кўринмас бўлади.

Мустаҳкамлигига кўра микрообъектларни мустаҳкам шаклга эга ва мустаҳкам шаклга эга бўлмаган турларга ажратиш мумкин. Мустаҳкам шаклга эга бўлмаган микрообъектларга турли кукунлар, суюқликларнинг томчилари киради.

Келиб чиқиш манбаига кўра микрообъектларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) табиий келиб чиқишга оид;

2) келиб чиқиши сунъий, маълум ишловлар бериш натижасидаги микрообъектлар.

Келиб чиқиши табиий бўлган микрообъектларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1) одам организмидан келиб чиққан микрообъектлар (соч толаси, тиш синиғи, тери қисмчаси, тирноқ зарраси, сперма ва бошқа ажратмаларнинг қолдиғи ва бошқалар);

2) ҳайвонларнинг микрообъектлари (ҳайвонлар жуни толачалари, тери бўлакчалари ва бошқалар);

3) ўсимликларнинг микрообъектлари (уруғлар, ўтларнинг бўлакчалари, ёғоч зарралари, ўсимлик илдизи ёки барги зарралари);

4) келиб чиқиши минерал микрообъектлар (тупроқ зарралари, нефт маҳсулотлари зарралари ва бошқалар).

Микрообъектларнинг иккинчи гуруҳини сунъий ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг микрообеклари ташкил этади, уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1) ноорганик таркибли микроразрлар (ойна зарралари, керамика, қурилиш материаллар ва бошқалар);

2) органик таркибли микроразрлар (арқон, ип бўлакчалари, қоғоз, ёғоч бўлакчалари ва бошқалар);

3) аралаш таркибли зарралар (лак-бўёқ маҳсулотлари, комбинацияли иплар матоларининг бўлакчалари ва бошқалар).

Гуруҳий тегишлиликка ажратиш микрообъектларнинг ҳодиса жойидаги дастлабки тадқиқоти ва кейинчалик эксперт тадқиқотини белгилашда катта аҳамиятга эга. Материалшуносликда объектларнинг турига кўра эксперт тадқиқотлари қуйидагича ажратилади:

- 1) толали маҳсулотларнинг экспертизаси;
- 2) лак-бўёқ маҳсулотларининг экспертизаси;
- 3) нефт ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг экспертизаси;
- 4) ойна маҳсулотларининг экспертизаси;
- 5) металл ва уларнинг маҳсулотлари экспертизаси;
- 6) полимер, пластмасса, резина маҳсулотларининг экспертизаси;
- 7) спиртли ичимликлар экспертизаси;
- 8) наркотик ва психотроп моддаларнинг экспертизаси;
- 9) парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг экспертизаси.

Из ташувчи билан таъсир алоқасига кўра, микрообъектларни *сиртига тушган* ва *ичига кирган* турларга ажратиш мумкин. Сиртига тушган ҳолатда из қабул қилувчи ва микрообъект турли таъсирлар натижасида ўзаро алоқада бўлиши мумкин. Ичига кирган ҳолатда микрообъект из қабул қилувчининг таркибида бўлади (масалан, бўёқнинг матога тушиши).

Физикавий хоссаларига кўра, микрообъектларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- 1) каттик, суюқ ва газ ҳолатдаги;
- 2) магнит хусусиятига эга ва эга эмас;
- 3) ток ўтказувчи, диэлектрик ва бошқалар.

Бошқа асосларга кўра микрообъектлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

- 1) жиноятчидан қолдирилган микрообъект;
- 2) жабрланувчига тегишли;
- 3) жиноят қуролига тегишли;
- 4) транспорт воситасининг микрообъекти;
- 5) поябзалнинг микрообъекти ва бошқалар.

**Микрообъектларнинг криминалистик аҳамияти.** Ҳодиса содир бўлган жойидаги моддий шароит ва жабрланувчи (жиноятчи)ларнинг кийимларидаги микрообъектларнинг локаллашиши (мавжудлиги ва жойлашиши) содир этилган жиноятнинг механизмини қайта тиклашга имкон беради.

Микрообъектларнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш, шунингдек, объектни ундан ажралиб кетган микррозаррачалар бўйича идентификация қилиш қуйидагиларга имкон бериши мумкин:

а) ҳали номаълум ҳодиса содир бўлган жойни тахминан аниқлашга (гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг кийими ёки пойабзалидаги ҳодиса жойига хос бўлган микрозаррачалар (ўсимлик, уруғ, тупроқ заррачалари ва ҳ.к.) бўйича);

б) муайян шахсни ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини аниқлашга (юқоридаги белгиларга кўра, шунингдек, бу шахснинг кийими ёки пойабзалидан ажралиб тушиб қолган микрообъектлар бўйича);

в) жиноятчининг ҳодиса содир бўлган жойга келган ёки кетган йўлини аниқлашга (шахс кийимининг жойдаги турли объект (шоҳ, туртиб чиқувчи қирралари, буюмлар ва ҳ.к.)ларда илиниб қолган микротолалари ёки пойабзалидан тушиб қолган ифлосланишлар бўйича);

г) текширилаётган жиноят ҳодисасининг муайян буюм (қурол) ёрдамида амалга оширилганлигини аниқлашга (масалан, совуқ қуролдаги жабрланувчининг жароҳатланган аъзоларининг хужайралари, кийимининг микротолалари ёки аксинча, жабрланувчининг танаси (кийими)да ишлатилган буюм (қурол)га хос микрообъектларнинг аниқлашига кўра);

д) жиноят содир этиш қуролининг муайян шахсда бўлганлигини аниқлашга (ушбу объектда жиноятчининг кийимлари ёки чўнтагидаги нарсаларга хос микрообъектлари аниқланганда);

е) жабрланувчига шикаст етказган транспорт воситасини аниқлашга;

ж) кийими ёки чўнтақларида, касбий ёки ҳаваскорлик фаолиятини билдирувчи микрообъектлар аниқланганда, шахси номаълум мурданнинг шахсини аниқлашга;

з) жиноятчи кийимларининг белгилари (кийимдан ажралиб қолган микрообъектларнинг тури, кўриниши, гуруҳи бўйича);

и) кийим предметларининг ўзаро таъсирлашганлигини (ўзаро бир-бирига ўтиб қолган микрообъектлар бўйича);

Юқоридагилардан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойда ёки жиноятчилар (жабрланувчилар)нинг кийимларида микрообъектлар мажмуининг локаллашиши ва табиатини аниқлаш уларнинг кўрсатувларининг тўғрилигини текширишга ҳам имкон беради.

## 2-§. ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА МИКРООБЪЕКТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ОЛИШ

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда микрообъектларни аниқлаш мақсадида дастлаб уларнинг жойлашиши мумкин бўлган жойларни билиш зарур. Микрообъектларни қидириш кўрилатган жиноя ишининг моҳияти ва шарт-шароитлари ҳамда ҳодиса жойидаги объектларнинг хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак.

Микрообъектларни қидириб топишни икки турга ажратиш мумкин:

а) визуал қидириб топиш;

б) физикавий ва кимёвий методлар орқали қидириб топиш.

Микрообъектларни визуал усулда қидиришда табиий ёруғликдан фойдаланиб, ўтувчи нурлар, турли лупалар ёрдамида, микроскоп остида қидириш амалга оширилади.

Микрообъектларни физикавий ва кимёвий методлар ёрдамида қидиришда эса, турли техник восита ва методлардан фойдаланилади. Физикавий методларга турли ёруғлик манбалари ва филтрлар орқали, ультрабинафша ва инфрақизил нурларда микрообъектларни қидириш кабилар киради. Кимёвий усулга турли моддаларни ишлатиб, кимёвий таҳлил ўтказиш орқали микрообъектларни аниқлаш киради.

Микрообъектларни қидиришда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

1) ҳодиса жойида микрообъектларнинг йўқолиб кетмаслиги ва уларнинг сақланиб қолиши чораларини кўриш;

2) содир бўлган ҳодиса ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, микрообъектлар бўлиши мумкин бўлган жойларда, жиноятчининг кирган, чиқиб кетган ва турли ҳаракатларни бажарган жойларида қидирув олиб бориш ҳамда кейинчалик жиноятчида, унинг тана қисмлари ва кийимларида қолиши мумкин бўлган микрообъектларнинг турини аниқлашга алоҳида аҳамият бериш;

3) имкон бориша ёруғлик манбаининг оптимал вариантини қўллашни амалга ошириш, у қуйидагиларни:

– ёруғлик филтрлари, микрообъект ва из ташувчи орасидаги ранг контрастини кучайтириш имкониятини беради;

– ультрабинафша ёритгичи қоронғилаштирилган жойда люминесценсияланувчи микрозарраларни нолюминесцент фонда ва аксинча бўлган ҳолатларда микрообъектларни аниқлаш имкониятини беради;

– электрон-оптик ўзгартиргич микрозарраларнинг инфрақизил нурларни ютиши ва қайтариши ҳисобидан уларни аниқлаш имкониятини беради;

– лупа ва микроскоп объектларни катталаштириб кўриб, уларни аниқлаш имкониятини беради;

– магнит ёрдамида магнит хусусиятга эга зарраларни топиш имкониятини беради;

– чангютгични ишлатиш чиқиши қийин бўлган жойлардан микрозарраларни тортиб олиш имкониятини беради.

*Микрообъектларни қидиришда қуйидагиларга риоя қилиш керак:*

– барча объектлар дастлаб топилган жойидан кўзгатиладан текширилади;

– объектларни кўчиришда уларнинг тагига тоза қоғоз қўйилиши керак;

– ишлаётганда диққат-эътибор билан резина қўлқопларда ишлаш керак;

– объектларни бир-бирига тегиб кетишидан сақлаш керак;

– из ташувчидан олинган микрообъектлар кейинчалик эксперт тадқиқоти учун тегишли тартибда сақланиши керак;

– ноқулай шароитларда из ташувчилар олинади ва кейинчалик кўздан кечириш учун сақланади.

Микрообъектларни қидириш икки босқичли ҳаракатдир. Биринчи босқичда микрообъектлар бўлиши мумкин бўлган объект аниқланади, сўнг микрообъектларнинг ўзини қидиришга киришилади. Иккинчи босқич ҳаракатлари айрим ҳолатларда лабораторияда олиб борилади. Кўпгина жиноятларнинг содир этилишида (қотиллик, номусга тегиш, тан жароҳатлари етказиш ва шу кабилар) жиноятчи билан жабрланувчи бевосита алоқада бўлади ва натижада микрозарраларнинг бир объектдан иккинчи объектга ўтиши содир бўлади. Шунингдек, жиноятчилар ўзларининг мақсадларини амалга оширишда турли буюмлар, ускуналардан фойдаланадилар ва улар бевосита микрообъектларнинг ташувчиси бўлиб қолади. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай из ташувчилар сифатида кўпроқ қуйидагилар кўзга ташланади:

– одам танаси, кийимлари ва поябзали (жиноятчиники ва жабрланувчиникида ҳам);

– пичоқлар, совуқ қуроллар ва ўқотар қуроллар;

– бузиш қуроллари ва ускуналар;

– контактли жароҳатга эга объектлар;



– ер ҳудудлари, йўл, пол ва объектларнинг ўзаро таъсирлашуви жойлари;

– транспорт воситалари.

Микрообъектлар ҳарактланувчи буюм-ташувчилар (кийимлар, пойабзал, қурол, транспорт воситаси ва ҳ.к.)нинг сиртида, шунингдек, кўзгалмас буюм-ташувчилар (мебель, бино, турли иншоотлар, жой сахни ва ҳ.к.)нинг сиртида жойлашиши мумкин.

Микрообъектларнинг жуда кичик ўлчамларини инобатга олиб, «микрообъектларни қидириш» деганда бевосита бундай объектларни излаш билан бирга, микрообъектлар сақланишиб қолиши, ўрнашиб қолиши) мумкин бўлган буюмларни аниқлашни ҳам тушуниш керак.

Микрообъектлар ва улар бўлиши мумкин буюмларни қидириш кўздан кечиришнинг дастлабки босқичларидаёқ бошланиши лозим. Микрообъектлар буюм-ташувчиларнинг сиртида мустаҳкам жойлашмаслигини ҳисобга олиб, ҳодиса жойида ҳавонинг сезиларли ҳаракати (шамол ва шу кабилар), буюмлар, мурдаларни мақсадсиз силжитиш ёки ҳаракатлантиришдан эҳтиёт бўлиш лозим. Очик майдонларда буюм-ташувчилар атмосфера омиллари (ёмғир, қор, шамол каби)дан сақланган бўлиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойда жой ва ундаги буюмларга бу тергов ҳаракатининг иштирокчиларидан бегона микрообъектлар тушиб қолишининг олдини олиш лозим, шунинг учун диван ёки стулга ўтириш, уларга кийимларни қўйиш, жабрланувчининг кийимлари билан таъсирлашиш мумкин эмас. Осон ажраладиган микротолалар манбалар (шарф, мехли рўмол ва ҳ.к.)ни ҳодиса жойидан узоқроққа олиб қўйиш, тергов ҳаракатининг пойабзаларида бегона ифлосланишлар бўлмаслиги керак. Микрообъектларни қидириш жараёни бошланишини то яқунлагунича иштирокчиларга чекиш қатъиян тақиқланади. Бу жараёнда тоза халат ва резина қўлқоплардан фойдаланиш тавсия этилади.

Микрообъектларнинг локаллашиши (мавжудлиги ва жойлашиши) ўзгариб кетишининг олдини олиш мақсадида, иштирокчилар билан буюмлар, микрообъектларнинг ташувчилари бўлган ва ҳодиса жойида алоҳида жойлашган буюмларнинг ўзаро таъсирлашмаслиги чораларини кўриш зарур бўлади.

Жиноят содир этиш қуролини қўшимча таъсирлардан сақлаш, яъни кўздан кечириш жараёнида ва ундан кейин ифлос қўллар билан ушлаш, бошқа буюмларнинг устига қўйиш, турли матолар ва

елимланиш даражаси паст бўлган қоғозга ўраш, улар билан турли кераксиз ҳаракатларни бажариш тақиқланади.

Ҳодиса содир бўлган жойда микрообъектлар керакли ёруғлик остида қидирилиши лозим. Бунинг учун, одатда, кўчма ёруғлик манбалари ишлатилади. Ультрабинафша нурларда люминценцияланадиган микрообъектлар автоном манбали ультрабинафша чироклар ёрдамида аниқланади.

Кўмир таркибли айрим микрообъектлар инфрақизил нурларни яхши ютади ва шу боис, электрон-оптик ўзгартиргич (ЭОП) таъсирида тўқ рангда кўринади. Масалан, ёнмаган порох заррачалари, протектор резинасининг заррачалари кабилар шу тарзда аниқланади. Электрон-оптик ўзгартиргич (ЭОП) таъсирида кўринадиган микрообъектларни яхшироқ ёритиш талаб этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойда мурда аниқланган бўлса, уни кўздан кечиришда унга ва кийимларига турли микрообъектларни тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Мурдани заруратсиз силжитиш, унга турли таъсирлар кўрсатиш, толалари тез ажраладиган газламалар билан ёпиш мумкин эмас. Мурданинг кийимларидан, ўзининг хусусиятлари (кўриниши, ранги)га кўра унинг кийимларидан фарқ қиладиган толаларни излаш; тугмалар, «молния», турли илмоқлар ва тўқаларга алоҳида этибор қаратиш тавсия этилади. Чунки, айнан шу каби кийим предметларида бегона толалар, соч ва бошқа микрзаррачалар жойлашиши мумкин. Мурданинг кийими ва пойабзалида мурда аниқланган жойга хос бўлмаган микрообъект (ўсимлик, тупроқ қолдиқлари ва ҳ.к.)лар аниқланганда, бу жабрланувчининг бошқа жойда ўлдирилганлигидан далолат бериши мумкин.

Агар жиноят ўқотар қурол ишлатиб содир этилган бўлса, яқин масофадан ўқ отилганда, мурданинг кийимидаги жароҳат (ўқ кириш тешиги) атрофида ёнмаган ёки чала ёнган порох заррачалари аниқланиши мумкин. Жабрланувчи жиноятчига қаршилиқ кўрсатган бўлса, унинг тирноғи остида соч, жиноятчи кийимининг микротолалари, тери қолдиқлари ёки қон зарралари аниқланиши мумкин. Бундай микрообъектар жиноятчининг тирноғи остида ҳам бўлади. Мурданинг тугилган мушти бармоқлари оқ силлиқ қоғоз устида ёзилади (очилади) ва унга мавжуд микрообъектар тўкиб олинади.

Агар мурда очик майдонда ва номусга тегиш жиноятига хос ҳолатда аниқланган бўлса, мурданинг атрофида жойлашган ер майдони ёки тупроқ текширилиши лозим. Бунда жиноятчининг пойабзали, тиззаси ёки тирсагининг излари аниқланиши мумкин. Бундай

жойлардан гумон қилинувчининг кийимларида аниқланган микро-объектлар билан солиштириш учун тупроқ намунаси олиниши керак.

Очиқ майдонда содир этилган номусга тегиш жиноятини текширишда жиноятчининг кийимига хос микрообъектлар, ҳодиса жойидаги ўсимлик шохлари, буталар, ўт, дарахт танаси (пўстлоғи) кабиларда қолиши мумкин. Жабрланувчининг ёки жиноятчининг кийимида ҳодиса содир бўлган жойга хос бўлмаган ўсимлик қолдиқлари (микрообъектлар)нинг аниқланиши номусга тегиш бошқа жойда содир этилганидан далолат бериши мумкин.

Жуда кўп ҳолларда микрообъектларнинг ташувчиси бўлиб жабрланувчига жархат етказишда ишлатилган совуқ қурол ҳисобланади. Уриб-мажакловчи совуқ қурол (кастет, нунчаку ва ҳ.к.)ларда қондан ташқари, одам танаси аъзолари, суяк қолдиқлари ҳамда уларда ёпишиб қолган соч, қум, ўсимлик ва бошқа турдаги микрообъектлар аниқланиши мумкин.

Агар ўқотар қурол ёки совуқ қурол бирмунча вақт жиноятчининг чўнтақларида сақланган бўлса, уларда жиноятчи чўнтагидаги нарса ва буюмларга тегишли микрообъектлар ҳам аниқланиши мумкин.

Жиноятчининг кийимига хос микрообъектларни жиноятчи ўтган турли тўсиқлар, тор жойлар, текшиқлар каби жойлардан ҳамда ўткир ва илмоқли объектлар (мих, синган эшиқлар, дарахт ёки ўсимлик шохлари), шунингдек жиноятчини кескин ҳаракат қилишга мажбур қилиши мумкин бўлган жойлардан излаш тавсия этилади.

Автоҳалокатлар юз берганда жабрланувчининг кийими ва йўлнинг қатнов қисмида автомобилнинг лок-бўёқ қопламаси заррачалари, ёриткич фараси шишасининг парчалари, ғилдираги ва бошқа қисмларидан тушиб қолган ифлосланишлар ёки бошқа микро-объектлар аниқланиши мумкин. Транспорт воситалари лок-бўёқ қопламаси юқори қатламининг микрозаррачалари ялтироқ ва текис сирти билан ажралиб туради. Бу қопламанинг пастки сирти эса ғадир-будур бўлади.

Бу каби ҳодиса жойларини кўздан кечиришда, агар йўл-транспорт ҳодисасининг механизми бўйича тусмоллар мавжуд бўлса, биринчи навбатда транспорт воситасининг жабрланувчининг кийими билан таъсирлашган қисмлари кўздан кечирилади. Ҳодиса механизми номаълум бўлса, биринчи навбатда, микрообъектлар тахминий локаллашган жойлар, яъни автомобиль лок-бўёқ қопламасининг эзилган, ёрилган ва шилинган соҳалари, ифлосланганишлар

тозаланган соҳалар ва кузовдаги ёғоч қипиқлари мавжуд соҳалари кўздан кечирилиши лозим. Транспорт воситасининг юриш қисми ҳам биринчилардан бўлиб текширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганида транспорт воситасини текширишда унда мавжуд микрообъектлар йўқолиб кетмаслиги учун, имкони борича, автомобилни дарҳол тоза ва қуруқ жой (бино, гараж ва ҳ.к.)га жойлаштириш ва кўздан кечириш яқунлангунга қадар эксплуатация қилиш, таъмирлаш, тозалаш ва ювишни таққилаш керак.

Портлаш билан боғлиқ ҳодиса жойларини кўздан кечиришда, аввало портлатиш қурилмасининг таркибий қисми бўлган микрообъектларни аниқлашга эътибор қаратиш керак бўлади.

Агар портлатиш олов ёрдамида (портлатиш қурилмаси олов ўтказгич сим портлатилган) амалга оширилган бўлса, фитил, олов-ўтказгич сим, ёнган гугурт доналари кабиларни излаш тавсия этилади. Портлаш электр токи ёрдамида амалга оширилган бўлса, ҳодиса жойида электр сими ва бошқа қисмлар (контакт аппарати, соат механизми ва бошқаларнинг қолдиқлари аниқланиши мумкин. Ўзаро пайвандланган қисмларнинг қолдиқларида пайвандлаш излари ва канифол ёки қўрғошин микрозаррачалар қолиши мумкин.

Кичик ҳажмли ташувчи-объектлар (пойабзал, кийим, қурол ёки турли асбоб-ускуналар)ни стол устида, уларнинг ҳар бирини алоҳида оқ қоғоз устига жойлаштириб, навбат билан текшириш тавсия этилади. Ҳар бир буюмда аниқланган микрообъектлар кўздан кечирилади, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг баённомасида таърифлаб ёзилади ва алоҳида ўраб-жойлаштирилади. Турли буюмлар ёки турли жойлардан олинган буюмлардаги микрообъектларни аралаштириб юбориш мумкин эмас.

Кўздан кечиришда аниқланган буюмларни, айниқса, толали материаллар (кийим, арқон ва иплар, газламалар)ни силкитиш ва қўшимча тарзда буклаш мумкин эмас. Ёнгил объект-ташувчиларни пинцет билан оқ қоғоз устида ушлаш ва кўздан кечириш тавсия этилади, оғир буюмлар ҳам оқ қоғоз устида текширилиши лозим. Буюмларни ағдариб текширишда эса бошқа қоғозни ишлатиш керак.

Кўздан кечиришдан сўнг объект-ташувчиларни ўраб-жойлаштириш, ишлатилган пинцетларни тозалаш керак.

**Микрообъектларни қайд этиш.** Микрообъектлар фотосуратга олиш кўздан кечириш баённомасида таърифлаш ва жойлашган жойини чизмада акс эттириш билан қайд этилади.

Микрообъектларнинг кичик ўлчамларини инобатга олиб, уларни ходиса содир бўлган жойда фотосуратга олиш мушкул вазифа. Шу боис, микрообъектларни ташувчи объектлар суд фотографияси қоидалари асосида суратга олинади. Дастлаб микрообъектларни ташувчи объектни атрофдаги буюмлар билан боғловчи фотосурат, кейин микрообъектлар стрелкалар билан кўрсатилган деталли фотосурат олинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар баён қилинади:

а) объект ташувчининг хусусиятлари: унинг жойлашган жойи, тури ва кўриниши, мўлжалланган мақсади, бу буюмни бошқалардан фарқлаш имконини берадиган белгилар мажмуи. Объект-ташувчининг ранги «КОЦ-А (криминалистик ранг аниқлаш)» қурилмаси ёрдамида аниқланади;

б) ҳар бир микрообъектни объект-ташувчида бирорта қўзғалмас ёки катъий ориентирга боғланган ҳолдаги жойлашган жойи;

в) микрообъектларнинг хусусиятлари: ягона ёки йиғинди ҳолдалиги, тури ва кўриниши, ранги, табиати, агар имкон бўлса конфигурацияси ва ўлчамлари, аниқланиш усули. Микрообъектларнинг шаклини аниқлаш учун қуйидагича атамалардан фойдаланиш тавсия этилади: «толасимон», «чангсимон», «қиринчи кўринишида», «ўсимлик қолдиқлари», «соч толасига ўхшаш», «ноаниқ шаклда» ва ҳ.к.;

г) микрообъектларни олиш ва ўраб-жйлаштириш усуллари.

**Микрообъектларни олиш.** Микрообъектлар объект-ташувчи билан бирга олинади. Микрообъектлар қуйидаги ҳолларда алоҳида олинishi мумкин:

а) агар микрообъект аниқ кўринса ва объект-ташувчида эркин жойлашган бўлса ҳамда уларни объект-ташувчи билан бирга олишнинг имкон бўлмаса (полдаги металл қириндилар, мурда танасидаги соч толалари, йўлнинг қатнов қисмидаги шиша парчалари ва ҳ.к.);

б) аниқланган микрообъектлар объект-ташувчида мустаҳкам сақланмаган ва буюмларни транспортировка қилишда микрообъектларнинг йўқолиб кетиши ёки ўз хусусиятларини йўқотиши хавфи бўлса;

в) микрообъектларни ташувчи объектларнинг ҳажми катта ва уларни транспортировка қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки уларни транспортировка қилиш объект-ташувчиларнинг ўзгариши (синиши, бузилиши, ўз қимматини йўқотиши)га сабаб бўлса;

г) микрообъектлар пичоқ, скальпель, пинцет, нина кабилар воситасида, мурданинг кафти ёки қўлларидан эса ёпишқоқ лента ёрдамида олинади;

д) агар микроорганизмлар кўп миқдорда бўлса, из ташувчи билан бирга олинади ёки мутахассис ёрдамида уларнинг ичидан олинadигани танланади.

Тирноқ остидаги микроорганизмлар ёғоч ёки пластмассадан тайёрланган махсус кичик ҳажмли куракча ёрдамида қириб олинади. Қулоқ супраси ёки бурундаги микроорганизмлар дистилланган сув билан намланган пахта тампон (гугурт донасига ўралган) ёрдамида олинади. Бегона соч толалари тишлари учига намланган пахта ўралган тароқ билан тараб олинади.

Ҳозирги кунда микроорганизмларни магнитли дактилоскопик кисточка билан ҳам олиш қўлланилади.

**Микроорганизмларни ўраб-жойлаштириш.** Асосий қоидалар:

1) ҳар бир объект-ташувчи алоҳида ва кўздан кечиришда ишлатилган қоғозга ўралади. Нам объект-ташувчилар қуритилиши лозим;

2) кийим предметлари иккита қоғоз орасига жойлаштириб ўралади ва пакетга солинади;

3) буюмларни ўраб-жойлаштириш учун тўқимачилик матолари, дока, пахта, яхши елимланмаган қоғоз каби материаллардан фойдаланиш тавсия этилмайди;

4) совуқ курунлар, ўқотар курунлар, турли асбоб-ускуналар, шиша парчалари, ёғоч бўлаклари, шиша идишлар худди бармоқ излари аниқланган объектлар каби ўраб жойлаштирилади;

5) алоҳида микроорганизмларни тоза ювилган ва оғзи яхши беркиладиган шиша идишга жойлаштириш тавсия этилади;

6) тирноқлар остидан, кулоқ супралари ва бурун ҳамда бошқа тана аъзоларидан олинган микроорганизмлар алоҳида ўраб жойлаштирилади ва рақамланади;

7) ҳар бир ўрам ип билан боғланади ва уларга тегишли ёзувлар ёзилади;

8) агар қулай бўлса бир нечта ўрам (қути)ларни биргаликда транспортировка қилиш мумкин.

### 3-§. МИКРООБЪЕКТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Микрообъектлардан жиноятларни очиш ва тергов қилишда фойдаланиш бир неча босқичдан иборат бўлади. Бу босқичлар микрообъектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, дастлабки тадқиқотлар ва экспертиза текширувларини қамраб олади.

Микрообъектлар тадқиқотларига оид махсус адабиётларнинг таҳлили ушбу тадқиқот ва текширувларнинг қуйидагича рўйхатини ажратишга имкон беради:

- ҳодиса содир бўлган жойдан жиноят изларини аниқлаш;
- ҳали ашёвий далил мақомига эга бўлмаган, аммо кейинчалик (муайян процесуал шартлар бажарилиши билан) ашёвий далил ҳисобланиши мумкин бўлган объектларни ўрганиш;
- жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказиладиган дастлабки тадқиқотлар, уларнинг натижасида келгуси ҳаракатлар – жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад қилиш амалга оширилади;
- тегишли далилларни излаш ва аниқлашга оид восита ва методларни аниқлаш ва қўллаш;
- жиноятчилар ва бошқа объектлар (жиноятчининг кийими, жиноят содир этиш курули, турли асбоб-ускуналар ва бошқалар)ни қидириш мақсадида керакли маълумотларни олиш;
- жиноятни содир этиш усули ва жиноятчининг шахси ҳақида йўналтирувчи маълумотларни олиш;
- тегишли тергов тусмолларини илгари суриш ва уларни текшириш;
- аниқлаб олинган объектларни келгуси экспертиза текширувларини ўтказиш учун яроқлилигини аниқлаш;
- аниқланган изларни текширилаётган жиноят ҳодисасига алоқаси ва боғлиқлилигини аниқлаш ҳақидаги масалалани ҳал этиш;
- тайинланиши лозим бўлган экспертизалар турларини ва тадқиқотлар учун зарур намуналар, жумладан, микрообъектларнинг турини аниқлаш;
- тегишли эксперт-криминалистик, жумладан, микро-объектларнинг криминалистик ҳисобларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Юқоридаги вазифалардан ва Ўзбекистон Республикаси суд экспертиза муассасаларининг замонавий имкониятларидан келиб чиқиб, микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотларини қуйидаги икки умумий гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1) ҳодиса содир бўлган жойда ўтказиладиган дастлабки тадқиқотлар;

2) суд-экспертиза муассасаларининг лабораторияларида ўтказиладиган дастлабки тадқиқотлар.

Микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотлари ўзига қуйидагиларни қамраб олади:

*биринчидан*, текширилаётган объектнинг турли хосса ва хусусиятлари бўйича керакли маълумотлар олиш имконини берадиган тадқиқот методлари ва усулларининг мажмуини қўллаш;

*иккинчидан*, текширилаётган объектларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида муайян бир ҳолат бўйича фикр юритиш (бунинг учун эса махсус билимлар талаб этилади).

Маълумки, бундай тадқиқотлар махсус жиҳозланган лаборатория ва илмий-тадқиқот муассасаларида махсус билимга эга бўлган мутахассислар томонидан ўтказилади.

Микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотларининг юқорида таъкидланган икки тури уларни ўтказиш субъектларини аниқлаб беради. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш ва бошқа тергов ҳаракатлари махсус билимга эга мутахассис-криминалистларнинг иштирок этишини талаб этади. Бу махсус билимлар излар билан ишлаш ва анъанавий криминалистик экспертизаларга оид бўлиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий криминалистик экспертизалар бўйича мутахассисларда турли материаллар, маҳсулотлар ва буюмлар, жумладан микрообъектлар каби объектларнинг экспертизаларини ўтказиш учун уларда махсус рухсатнома ва ҳатто амалий тажриба ҳам бўлмаслиги мумкин. Бу мутахассис-криминалистлар тергов ҳаракатлари билан бирга тезкор-қидирув тадбирларида ҳам иштирок этадилар. Материаллар, маҳсулотлар ва буюмлар, жумладан микрообъектлар экспертизаларини ўтказиш ҳуқуқига эга экспертлар (ходимлар) эса тергов ҳаракатларига жуда кам ҳолларда жалб этиладилар. Шунинг учун тегишли тергов ҳаракатлари ёки тезкор-қидирув тадбирларида микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотлари ИИВ тизимидаги эксперт-криминалистика хизмати ходимлари томонидан ўтказилади.

Бу каби тадқиқотларни ҳодиса содир бўлган жойда ўтказишда зарур техник-криминалистик воситалар сифатида ИИВ Эксперт-криминалистика хизматида мавжуд бўлган техник-криминалистик воситаларнинг энг қулай ва кўчма тарзда ишлатиладиганларигина



қўлланилади. Чунки, барча мавжуд техник-криминалистик воситаларни ҳодиса содир бўлган жойга олиб чиқишнинг имкони йўқ, улар лаборатория шароитларида ишлатишга мўлжалланган. Ҳатто автомобилга ўрнатилган кўчма криминалистик лаборатория (ПКЛ) базасида ҳам оптик микроскоп, рефрактометр, ультрабинафша ёритгичлар ҳамда эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг жинойтчиликка қарши куршда ИИОнинг бошқа соҳавий хизматлари билан амалий ҳамкорлигини таъминлайдиган бошқа техник воситалар мавжуд бўлади. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда ишлатиладиган оддий мажмуа эса экспертнинг чемодани ҳисобланади.

Шу боис, эксперт-криминалистнинг техник таъминоти ва унинг микрообъектлар тадқиқотлари бўйича реал билимларини ҳисобга олган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойда микрообъектлар дастлабки тадқиқотларининг методик жиҳатдан энг содда турларини ўтказиш имкони мавжуд. Махсус адабиётларда келтирилган маълумотлар билан эксперт-криминалистрларнинг имкониятларини солиштирган ҳолда микрообъектлар дастлабки тадқиқотларининг ушбу жараёнда амалга оширилиши мумкин бўлган турларини кўриб чиқамиз.

Биринчи навбатда, ҳодиса содир бўлган жойда микрообъектларни аниқлаш зарур. Бунинг учун текшириладиган ҳодисани тўлиқ идрок этиш ва мақсадли қидирувни амалга ошириш лозим. Таъкидлаш жоизки, бу ҳаракат микрообъектларни ташувчи предметларнинг тадқиқоти ҳисобланади. Микрообъектларга ашёвий далил мақомини бериш учун уларнинг жинойт ҳодисасига алоқасини аниқлаш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, микрообъектнинг сирти ёки ҳажмида юз берган ўзгаришларни аниқлаш лозим. Бу ўзгаришлар жинойт ҳодисаси натижасида рўй берган бўлиши ва жинойт ҳодисаси билан сабабий боғлиқликда бўлиши лозим (масалан, агар кўриладиган жинойт иши ёниш жараёни билан боғлиқ бўлса, аниқланган микрообъектдаги термик таъсир излари ёки унинг сиртининг ифлосланиши ва ҳ.к.). Микрообъектнинг жинойт ҳодисасига боғлиқлиги ҳодиса жойини комплекс ўрганиш ва микрообъектнинг бошқа излар билан алоқаси мавжудлигини текшириш натижасида аниқланади.

Микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотлари фақатгина ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эмас, балки микрообъектлар аниқланиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари – тинтув, тергов эксперименти ва кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш кабиларда ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш жараёнида микрообъектларнинг аниқланиши

гумон қилинувчининг кўрсатувларини тўғрилигини тасдиқлаши мумкин.

Микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотларини ўтказиш бўйича махсус адабиётларда берилган тавсияларнинг энг кўпчилигини текшириладиган объектларнинг таққослаш тадқиқотлари ва уларнинг рухий мансублигини аниқлаш бўйича текширишларни ўтказиш лозимлиги ҳисобланади. Эксперт-криминалистика хизматида ушбу вазифани бажариш имконияти мавжуд бўлса-да (чунки эксперт-криминалист таққослаш тадқиқотларида объектларнинг гуруҳий мансублигини ифодаловчи белгилари бўйича билимларга эга бўлади), ушбу хизматнинг техник таъминотини инобатга олган ҳолда бирмунча чегараланган тарздагина амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бу каби вазифаларни бажаришда анъанавий криминалистик экспертизаларга ихтисослашган эксперт-криминалистлардан кўра, материаллар, махсулотлар ва буюмларнинг кимёвий тадқиқотларини ўтказишга ихтисослашган мутахассислар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази)нинг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиршида микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотларини ўтказиш учун ишлатиладиган техник-криминалистик воситалар.* Криминалистик техник восита ва усулларнинг асосий қисми ушбу объектларнинг экспертизасини бажариш жараёнида қўлланилади. Бу воситалар ва усулларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

– микрообъектларнинг кимёвий-физикавий ва бошқа хоссаларини ўрганишга имкон берадиган техник воситалари ва усуллар;

– таққослаш тадқиқотларида объектларнинг бир-бирига ўхшашлик ёки фарқ қиладиган хусусиятларини аниқлаш учун қўлланиладиган техник воситалари ва усуллар;

– эксперт томонидан олинган натижаларни тўғри баҳолаш учун ишлатиладиган усуллар ва техник воситалари.

Объектларнинг ташқи ва ички тузулишини ўрганиш оптик ва электрон микроскопия усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Морфологик тадқиқотлар макро, микро, ультрамикро даражасида олиб борилади.

Объектларнинг таркибий таҳлили (элемент, изотопли, молекуляр, фазали, фракцион) юпқа қатламли ва газ, суюқлик хроматография,

храмото-масс-спектрометрия, элемент-спектрал анализ, лазерли ёки рентген микроспектрал анализлари, атом абсорбцион усуллари ёрдамида ўтказилади.

Микрообъектларнинг тузилишини (структурасини) ўрганишда молекуляр анализ (ультрабинафша ва спектрнинг кўринадиган қисмидаги спектрофотометрия усуллари, инфрақизил спектрометрия) ва рентгенография ва металлография усуллари қўлланилади.

Аналитик мақсадлар учун кўпинча кенг тарқалган илмий асбоб-ускуналар, (спектрограф, спектрофотометр, хромотограф, хромото масс-спектрометр, микроскоплар, рентген аппаратлари, полярограф, ишлатиладиган бўлса-да криминалистик мақсадлар учун (масалан, микро заррача, микро бўлакчаларни ўрганишда, объектларнинг айрим хусусий хоссаларини аниқлашда) махсус аппаратлар, микрофотографик жиҳозлар қўлланилади.

Бу усул ва техник воситалардан ташқари материал ва моддаларнинг айрим хосса ва хусусиятларини (масалан, термоэлектрик хоссаси, ранги, магнит сингдирувчанлиги, шиша ва минералларнинг синдириш кўрсаткичи, шишаларнинг оптик бир жинсли эмаслиги, толаларнинг нурни қутблантириши ва ҳоказо) ўрганиш учун махсус техник воситалари ҳам ишлатилади.

#### 4-§. МИКРООБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ЭКСПЕРТИЗАЛАР

Жуда кўп ҳолларда микрообъектлар криминалистик ва суд-биологик экспертизалар доирасида тадқиқ қилинади. Экспертнинг янги турлари вужудга келиши тергов ва суд амалиётида жиноий ишларнинг айрим ҳолатларини, белгилайдиган аҳамиятли фактларни аниқлаш учун махсус билимлар зарурати билан боғлиқдир. Масалан, амалиёт эҳтиёжида кийим-кечакларнинг ўзаро контактда бўлганлик фактини уларнинг юзасидаги бир-биридан ўтган микротолалар орқали аниқлаш зарурати толалар, материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасини вужудга келтирди. Бундай микротолаларнинг ўлжанинг ва жиноятчининг кийим-кечаклари курашиш пайтида бир-бири билан контактда бўлишлиги натижасида, транспорт воситаси йўловчини босиб ўтиш жараёнида, ўғрининг девордаги ёки шипдаги (томдаги) тор тиркичлардан ўтаётганида ҳосил бўлиши табиийдир. Айрим кийимларни ушбу ўтган микротолалар орқали таниб олиш, шунингдек, ўша объектларнинг ўзаро контактда бўлганлик фактини аниқлаш фақатгина криминалистик тадқиқотлар ёрдамида, криминалистиканинг методологик асосларига таянган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Худди шу каби, лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси ҳам тергов ва суд амалиётидан, содир қилинган жиноятнинг илдизларини ўрганиш кераклиги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда вужудга келади. Масалан, транспорт воситаси йўловчини уриб юбориши натижасида унинг кийимларида ҳар хил излар (пачоқланиш, йиртилиш ва лок-бўёқнинг микробўлаклари) пайдо бўлиши мумкин. Жиноятчи ойна ёки эшикдан ўтаётганда, ёки сейфни, кулфни бузаётганда ҳам, одатда, шу каби излар пайдо бўлади.

Предметни ташқи кўринишининг хусусиятлари ёки ундан ажралган лок-бўёқ бўлакчалари билан солиштириш, ҳар хил излар орқали ушбу предметни бошқа предметлар билан ўзаро контактда бўлганлик фактини аниқлаш – буларнинг ҳаммаси индивидуалликни криминалистика услубиётининг принциплари ва кўрсатмалари асосида англашга киради. Хусусан, мана шу мисолда жиноий ишнинг вазиятини аниқлаш, асосан, криминалистик техниканинг трасология бўлимининг услубий кўрсатмаларини комплекс равишда татбиқ қилишга асосланади.

Фан ва техникада қабул қилинган синфланиш бўйича объектларни аниқ бир кўпчиликка белгилаш уларни маълум бир туркумга

тааллуқлигини кўрсатади. Масалан, текширилаётган шиша бўлакчаси қайси мақсадда ишлатишга мўлжалланганлиги бўйича нур ўтказувчи техник шишалар турига (материал тури аниқланган) ёки автомобиль фарасининг нур тарқатувчи қисмига (маҳсулотнинг тури аниқланган) тааллуқли эканлиги кўрсатилган.

Ҳар хил объектлар (текстиль маҳсулотлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, нефт маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар ва ҳ.к.) бўйича рецептур-технологик кўрсатикларни ўрганиш ва маълум тартибда йиғиш, сақлаш масалани ечишга катта ёрдам беради.

Микрообъектлар экспертизасининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан у ҳал қиладиган қуйидаги саволларда ўз аксини топади:

– экспертизага тақдим қилинган материал, модда ва маҳсулотнинг номи, келиб чиқиш манбаи ва қандай мақсадга мўлжалланганлиги;

– объект-ташувчида маълум бир турдаги материал, модда ёки маҳсулотнинг микро бўлакчалари борми;

– терговчи топган материаллар (моддалар ва маҳсулотларнинг микро бўлакчалари ёки микроизлари) маълум туркумдаги объектлар қаторига кирадими;

– ушбу материаллар, моддалар ва маҳсулотлар умумий туркумга ёки гуруҳга тааллуқлими, агар шундай бўлса, қай бирига тааллуқли;

– тадқиқотга юборилган объектлар (материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг микро бўлакчалари ёки микро излари) иш бўйича қидирилиётган элементларни идентификация қилиш учун яроқлими, агар шундай бўлса улар қидирилаётган бутунликнинг бир қисми ёки бир хил манбага эгами;

– микро бўлакчалар ва микро изларнинг пайдо бўлиш механизми қандай.

Ўзининг хилма-хил табиатига эга эканлиги (толали ва лок-бўёқ материаллари, нефт маҳсулотлари, тупроқ, шиша, металл ва қотишмалар, ўсимлик хом ашёси ва ҳ.к.) ва ҳар хил мақсадлар учун мўлжалланганлигидан қатъи назар, микрообъектлар экспертизаси, криминалистик техника ривожланишининг ягона бир йўналиши бўлиб ҳисобланади.

## 5-§. СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»<sup>1</sup>-ги қонунининг қабул қилиниши суд процессида турлича суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги даражага кўтарилишига сабаб бўлди.

Ушбу қонун қабул қилингунга қадар одил судловда махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари, шунингдек идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилар эди. Ушбу меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар «кўп ҳолатларда, бир-бирини такрорлар ёки ушбу соҳадаги айрим ҳуқуқий муносабатлар охиригача тартибга солилмаган эди»<sup>2</sup>. С.А.Смирнованинг таъкидлашича, «турли вазирликлар қошидаги экспертиза муассасаларининг иш фаолияти ва фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги мавжуд айрим фарқлар тегишли экспертизаларни ўтказишда зарур тактика ва методикаларни танлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради»<sup>3</sup>. Бу жиҳатдан, суд экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда суд экспертизасининг асосий тушунчаларини аниқлашдаги ягона тизимнинг йўқлиги каби муаммолар учраб турар, натижада суд экспертизаларининг барча имкониятларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалий фаолиятида самарали фойдаланишда соҳага оид атамалар, тушунчалар ва методикаларни тизимлаштирилган тарзда қўллашда бир қатор қийинчиликлар юзага келар эди.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши суд-экспертлик фаолиятида шаклланадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга имкон яратди. Ушбу соҳага оид ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга бўлган эҳтиёж анча илгари мавжуд эди. Ҳали 1975 йилдаёқ суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг даст-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.

<sup>2</sup> Қаранг: *Хафизов Ш.Н.* О нормативно-правовом регулировании судебно-экспертной деятельности // Адвокат. – 2007. – № 5. – С.58-61.

<sup>3</sup> Қаранг: *Смирнова С.А.* Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. – СПб, 2004. – С. 583.

лабки лойихаси тайёрланган<sup>1</sup> ва соҳа мутахассислари – криминалист-олимлар ва амалиёт ходимлари суд-экспертлик фаолиятини тартибга солиш зарурати мавжудлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Шунинг учун 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида қонун ижодкорлари улкан ишларни амалга оширганлар. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келди. Шунинг учун, 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан, юқорида санаб ўтилган кодексларга «эксперт» тушунчаси, унинг ҳуқуқий мақоми, турли (бирламчи, такрорий, комиссиявий, комплекс) экспертизаларнинг мазмуни, ушбу экспертизаларни ўтказиш қоидалари ва ташкил этиш тартиби бўйича «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонун асосида тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Таъкидлаш жоизки, «Россия Федерациясининг суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи «Россия Федерациясида давлат суд-экспертлик фаолияти тўғрисида»ги Федерал қонунида соҳага оид махсус атамалар ёки Жиноят-процессуал қонунчилиги билан ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солишда бир қатор қарама-қаршиликлар ва тушунмовчиликлар учраб туради<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунда эса бу каби муаммолар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунида ушбу соҳага оид асосий тушунчалар (3-модда) ёритилган, процессуал қонунчиликдаги экспертиза муасасаси раҳбарининг (13-14-моддалар), экспертиза муассасасининг (12-модда) ва эксперт (10-модда)нинг мақомига оид камчиликлар тўлдирилган. Қонунда фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш

---

<sup>1</sup> Қаранг: Орлова В.Ф. Законодательная регламентация судебной экспертизы: состояние и пути совершенствования // Судебная экспертиза. – Москва, 2004. – № 1. – С. 12-14.

<sup>2</sup> Қаранг: Тарасов А., Тарасов М. О коллизиях в нормативной регламентации судебно-экспертной деятельности по уголовным делам // Уголовный процесс. – М., 2008. – №1. – С.98-103.

(6-модда) масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, қонунда суд-экспертлик фаолиятидаги асосий тушунчалар (3-модда), суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари (4-модда), суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш (25-модда), давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш (26-модда) ва бошқа бир қатор масалаларни одил судловнинг соҳаларидан қатъи назар, ягона тарзда тушунишга имкон яратилган.

Суд экспертизаси жиноятнинг барча (субъектив томонидан бошқа) элементларига тегишли бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон берадиган далилларнинг универсал манбаидир. Ҳодиса содир бўлган жойдан аниқлаб олинган излар, жиноят ҳодисасига тегишли бўлган ашёвий далиллар ва бошқа объектларнинг экспертиза тадқиқотлари жиноий тажовуз объекти, етказилган зарарнинг табиати ва миқдори, жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи ва жиноятнинг содир этилиш механизми, жиноятчининг шахси, шунингдек жиноятнинг содир этилишига енгиллик яратган сабаб ва шароитлар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар олишга имкон беради.

*Суд экспертизаси* — фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки хунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат»<sup>1</sup> бўлиб, унинг натижаси ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланган хулоса берилади. Бу хулоса жиноий иш юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Суд ва тергов органи ходимлари экспертиза тадқиқотлари учун зарур бўлган махсус билимга эга бўлган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш заруратидан озод қилинмайди, чунки уларнинг процессуал ҳолати бўйича ишни текширишда ўзига хос ваколати бўлиб, экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг ваколатлари ҳам процессуал ҳолатидан келиб чиқади.

*Суд-экспертлик фаолияти* — суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият<sup>2</sup>. Экспертларнинг фаолияти ишлаш жойлари давлат экспертиза муассасаларида ёки бошқа ташкилот-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2010. – №22. – 173-м.

<sup>2</sup> Ўша жойда.



ларда бўлиши мумкин. Уларнинг қаерда ишлашларидан қатъи назар иш юзасидан эксперт қилиб тайинлаш процессуал қонунда кўрсатилган тартиб асосида амалга оширилади ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенгдир.

Экспертиза тадқиқотларини ўтказиш жараёнида эксперт мустақил процессуал шахс сифатида экспертизага оид бўлган қўшимча объектлар, ахборотлар жинойий иш ва экспертиза материалдан ташқарига чиқмайдиган маълумотларни талаб қилишлари мумкин.

Эксперт олдига қўйиладиган саволлар унинг махсус билимлари ҳажмидан ташқарига чиқмаслиги лозим. Тадқиқот натижасида бериладиган хулосалар эса экспертнинг билим доираси билан чегараланади ва унинг ваколатидан ташқари чиқмаслиги керак. Эксперт жиноятни тергов қилиш ва суд жараёни даврида мутахассис сифатида ҳам жалб этилиши мумкин.

Мутахассис мақоми ЖПК 69-моддасида эса унинг тўлиқ ифодаланган, 70-моддасида эса ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Криминалистик экспертизаларни ташкил қилиш учун материаллар тайёрлаш, эксперт ҳал қиладиган саволларни тўғри белгилаш, таққослаш тадқиқотлари учун намуналарни олиш ва бошқа шу каби масалаларни амалга ошириш учун терговчи ёки суд криминалистик техника соҳаси бўйича мутахассисни таклиф этиши мумкин. Экспертиза тайинлаш даврида мазкур эксперт тадқиқотининг имкониятлари, қайси соҳадаги махсус билим талаб қилиниши, тадқиқот объектларини кўчириб олиш, мустаҳкамлаш, тадқиқот вазифасини аниқ белгилаб, саволларни экспертиза предметига оид равишда тўғри тузиш каби чораларни амалга оширишда криминалист-мутахассиснинг ёрдами беқиёсдир.

Айрим турдаги далиллар ишончсиз ҳисобланса-да (айбланувчи ёки гувоҳлар ўзларига дастлабки тергов жараёнида жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилганлигини важ қилиб, судда ўз кўрсатувларини ўзгартириши ёки уни рад этиши ва бошқалар), эксперт хулосаси холис ва илмий асосланган далил сифатида баҳоланади. Чунки «суд экспертнинг хулосаси (хулоса) – суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат»дир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.

Шу боисдан, хулосада: суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой; суд экспертизасини ўтказиш асоси; суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар; суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар»<sup>1</sup> кўрсатилади.

Юқоридагилардан ташқари, эксперт хулосасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Экспертнинг фаолияти «қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд-экспертнинг мустақиллиги, суд-эксперт тадқиқотларининг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги»<sup>2</sup> каби принципларга асосланади. Шунинг учун суд экспертизаларининг аҳамияти ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқорида таъкидланган қонун билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасида барча суд-экспертлик муассасаларининг фаолиятига оид бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш мезони – ҳуқуқий асос белгилаб берилган. Жумладан, кодекснинг

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.

172-моддаси (Экспертиза тайинлаш учун асослар)га мувофиқ «иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди. Экспертиза ўтказиш зарур деб топилгандан сўнг терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Эксперт мазкур қарор (ажрим) билан танишиб чиққанидан сўнг ташаббусчидан тадқиқот учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни олиши керак. Қарорда (ажримда) экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши шарт. Шунингдек, унда берилган саволлар пухта шакллантирилган бўлиши керак. Эксперт олдига қўйилган топшириқни тўғри белгилаш кўп жиҳатдан саволларнинг аниқлиги ва мантикий изчиллигига боғлиқдир.

Экспертиза тадқиқотларига юбориладиган материали таркибига экспертиза тайинланиши учун мавжуд бўлган асосларини ўзида ифода этган қарор (ажрим), текшириладиган объектлар (ашёвий далиллар; турли излар, қон ва бошқа биологик моддалар, отилган ўқ, гильзалар, ўқотар ва совуқ қуроллар, таққослаш тадқиқотлари учун зарур бўлган намуналар, хужжатлар ва бошқа моддий нарсалар юборилади.

Айрим ҳолларда тергов ва суд ишларини олиб бориш жараёнида қўшимча ёки такрорий экспертизалар ўтказиш зарурияти туғилади. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунига кўра: «Қўшимча суд экспертизаси хулосадаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) томонидан ўтказилади. Хулоса асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади.

Қайта суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усуллари-

нинг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин. Қайта суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қайта суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) биринчи (олдинги) суд экспертизаси хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Дастлабки ва такрорий экспертиза материали одатда ўзгаришсиз қолади, лекин экспертнинг талабига кўра такрорий экспертиза материали қўшимча намуналар билан тўлдирилиши мумкин. Такрорий экспертиза комиссия, яъни икки ёки кўпроқ бўлган экспертлар томонидан ўтказилади. Биринчи экспертиза тадқиқотларини ўтказган мутахассиснинг фикри, хулосалари такрорий хулосаларга қарама-қарши бўлмаса у такрорий экспертиза тадқиқотларида комиссия таркибида иштирок этиши мумкин, акс холда у ўзининг аввалги асосий хулосасига ички ишонч ҳосил қилганлиги туфайли унинг хулоса-фикри ўзгаришсиз қолади.

Биринчи экспертиза натижаси билан иккинчи такрорий экспертиза хулосаси бир-бирига қарама-қарши бўлган тақдирда уни комиссия иштирокида тажрибали мутахассис раҳбар ходимлар билан ҳамкорликда муҳокама қилинади ва улардан қайси бири тўғри эканлиги баҳоланади. Кўпчилик фикр хулосаси тўғри келгандагина хулоса бир бўлиб имзоланади ва объектив деб топилади.

Такрорий экспертиза учинчи маротаба ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза амалиётида шундай ҳоллар учраб турадики, биринчи экспертиза фикри билан иккинчи такрорий эксперт хулосаси бир-бирига қарама-қарши, ҳар қайсиси ҳам асосли ва қатор белги сифатларга таянган ҳолда текширилган бўлиб, тергов улардан қайси бирини ишга қўшиш лозимлигини билолмай қийинчиликка дуч келади. Ана шундай ҳолларда тергов ёхуд суд учинчи маротаба такрорий экспертиза тайинлашга ҳақлидир.

Қайта суд экспертизасини ўтказиш бошқа суд экспертига (суд экспертлари комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) суд экспертизасини ўтказган суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) қайта суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, – 18–м. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22–сон. – 173–м.

Зарурат туғилганда, кўрилаётган жиноят иши бўйича «суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин»<sup>1</sup>.

Комиссиявий суд экспертизаси ўтказилаётганда суд экспертларининг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказди ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади. Суд экспертлари умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди. Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Комплекс суд экспертизаси иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади. Комплекс суд экспертизасини ўтказишда суд экспертларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс суд экспертизасининг хулосасида суд экспертларининг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Суд экспертларининг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайдилар ва улар учун жавобгар бўлади. Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд экспертлари қилади. Агар суд экспертлари комиссияси якуний фикри ёки бир қисмининг асоси сифатида суд экспертларидан бирининг (алоҳида суд экспертларининг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради. Агар комплекс суд экспертизасини ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

Суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ёки

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, – 19–м. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22–сон. – 173–м.

мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси таркибидаги ҳар бир суд эксперти текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг суд экспертлари комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Суд экспертизаси ўзида билиш жараёнини ифодалаб, унинг чегаралари ва йўналишлари терговчи ва суд томонидан белгиланади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, терговчи терговни юритади ҳамда тергов ҳаракатларини амалга оширади ҳамда ҳар бир аниқ ҳолатда тегишли қарорни қабул қилади. Экспертзани тайинлар экан, терговчи ишни тергов қилиш учун зарур бўлган материалларни йиғади, экспертларни танлайди ва тайинлайди, экспертиза ўтказиш вақтини аниқлайди, эксперт иш ҳажми ва вазифаларини белгилаб беради.

Терговчининг экспертизани тайинлаш тўғрисидаги ташаббуси терговчининг ушбу масалани ҳал қилишдаги (ихтиёри) эркинлиги даражасини белгилашни талаб қилади. Ушбу вазиятда «терговчининг ихтиёрий эркинлиги ҳақида эҳтиёткорлик билан ҳамда шартли равишда сўзлаш мумкин ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Биринчидан, терговчи экспертизани тегишли асос бўлган ҳолдагина тайинлайди. Умумий асос бўлиб фан, техника ёки ҳунарнинг турли соҳаларида махсус билимга эҳтиёж туғилиши намоён бўлади. Башарти экспертиза тайинлаш учун асос бўлса, терговчи экспертиза тайинлаши шарт: ушбу ҳолатда у ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қила олмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Абакиров К.К.* Процессуальные и организационные проблемы применения специальных познаний при производстве судебных экспертиз: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 44-55.

Иккинчидан, махсус билимларни жалб қилишга эҳтиёж терговчи томонидан изланаётган фактнинг табиатидан ҳамда у ёки бу соҳадаги билимларнинг амалий имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Шундай қилиб, терговчининг ихтиёри ҳақида фақатгина процессуал маънода, яъни тергов эҳтиёжлари ҳажмини аниқлашдаги ҳаракат эркинлиги тўғрисида гапириш ўринли бўларди. Айтиш мумкин терговчи рад этиши мумкин бўлмаган объектив мезонлар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Экспертизани тайёрлаш ва тайинлашда терговчи қатор масалаларни, биринчи навбатда экспертизани тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиши лозим.

Башарти экспертиза қонун бўйича мажбурий ҳисобланмаса, терговчи иш ҳолатларини бошқа исботлаш воситалари ёрдамида аниқлашни имкони бўлмаган ёхуд терговчи ихтиёридаги далиллар тўлиқ бўлмаган ёки уларда қарама-қаршилиқлар бўлган ҳолларда тайинланиши лозим. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, ишни тергов қилиш вақтида мутахассис ёрдамидан фойдаланиш мумкин бўлса, бундай имконият қўлланилиши лозим.

Экспертиза унга эҳтиёж аниқ бўлиши заҳоти дарҳол тайинланади. Агарда терговчи ихтиёрида барча зарур материаллар бўлса, экспертиза тайинланиши пайсалга солиш тергов муддатлари чўзилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, тегишли материаллар имкон қадар тезроқ олиш ва экспертиза тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

Экспертиза тайинлаш эҳтиёжи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ишнинг айрим мунозарали ҳолатлари юзасидан махсус билим талаб қилинганда ҳосил бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 173-моддасида экспертиза ўтказилиши шарт бўлган қатор ҳолатлари қайд этилган. Қонуннинг кўрсатмаси ушбу ҳолатлар ҳақида иш материалида бошқа маълумотлар (гувоҳ жабрланувчиларнинг кўрсатмалари) бўлишидан қатъи назар экспертиза хулосасини олиш мажбурлигини таъкидлайди.

Иш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашда, жумладан криминалистик экспертизасининг айрим турларини тайинлаш, ҳал қилинадиган масалалар криминалистика техникаси соҳасидаги махсус билимни талаб қилган тақдирда зарур бўлади. Криминалистик экспертизасининг объектлари турли ашёвий далиллар, солиштириб текшириш учун олинган намуналар, далилий аҳамиятга эга бўлган бошқа моддий нарсалар, турли хужжатлар бўлиши мумкин.

Мазкур экспертиза объектлари экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор ёки ажримда алоҳида-алоҳида номлари белги сифатлари билан кўрсатилади. Қарор (ажрим)да экспертиза тайинлаш учун сабаб бўлган асослар билан бир қаторда, эксперт ҳал қиладиган саволлар ҳам қайд қилинади. Саволлар аниқ, раво ва экспертнинг махсус билими доирасидан ташқари чиқмайдиган бўлиши лозим.

Суд экспертизаси материални қарор, ажрим, тадқиқот объектлари тергов ва суд давлат экспертиза муассасасига юборади. Муассаса раҳбари тегишли мутахассис ходимга топширади. Шу билан бирга, процессуал қонунида белгиланганидек, эксперт сифатида экспертиза муассасасидан ташқари жойларда хизмат қилувчи мутахассисларни ҳам жалб этиб, экспертиза материални уларга бевосита топшириш мумкин.

Экспертизага текширилувчи объектлар ашёвий далил, унинг айрим қисмлари, модда қолдиқлари билан бир қаторда солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналар-нусхалар ҳам юборилиши лозим. Намуналарнинг ҳажми, сифати эксперт тадқиқотини тўла ва объектив бўлишлигини таъминлайди. Экспертиза тадқиқотлари учун олинган намуналарнинг турлари ва уларни олиш тартиби ЖПКнинг 188-моддасида кўрсатилган.

Бу борада эксперт муассасаси ёки экспертни тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда объектнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳал этиш учун қўйилган масалаларнинг мураккаблиги, у ёки бу эксперт муассасасининг имкониятларини ҳисобга олиш лозим. Муассаса раҳбари тадқиқотни ўтказишни аниқ бир экспертга топширади ва барча бошқа ташкилий масалаларни ҳал қиладди.

Агарда экспертиза экспертиза муассасасидан ташқарида ўтказилаётган бўлса, терговчининг ўзи экспертни чақиради, унинг билим даражасини аниқлайди, экспертга қарорни ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган барча объектларни топширади, унга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ҳамда ёлғон хулоса берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради.

Шу билан бир қаторда терговчи айбланувчи ёки гумон қилинувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириши лозим. Бунда экспертизани аниқ бир экспертга топшириш, терговчи томонидан танланган экспертни рад этиш, қўшимча саволларни қўйиш, экспертизани ўтказиш жараёнида иштирок этиш ҳамда экспертга тушунтиришлар бериш ва бошқа масалалар бўйича илтимослар қилиниши мумкинлиги ҳисобга олинади.



Демак, суд экспертизасини тайинлаш мураккаб жараён бўлиб, у ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуслари, ҳам терговчининг ваколатини амалга ошириш натижаси ҳисобланади.

Экспертиза тайинлаш чоғида бир қатор процессуал муносабатлар мажмуи шаклланади: терговчи ва ҳар бир ишда қатнашаётган шахс ўртасидаги, терговчи ва эксперт ўртасидаги муносабатлар шулар жумласидандир.

Экспертиза тайинлаш бўйича ҳаракатларнинг натижаси алоҳида процессуал ҳужжат – терговчининг суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорида акс этади. Айнан у терговчи ва эксперт ўртасидаги муносабатлар тизимини вужудга келтирувчи асос бўлиб хизмат қилади.

Терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори муайян талабларга жавоб бериши ҳамда тегишли тузилмага эга бўлиши лозим. Бу қарор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддасига асосан чиқарилади. Бундай қарорда қуйидагилар белгиланиши лозим:

- қаерда, қачон, ким томонидан ва қандай асосларга биноан чиқарилганлиги;
- экспертиза ўтказиш зарурлигини тақозо этган шарт-шароитлар;
- экспертиза ўтказиш топширилган муассасанинг номи;
- экспертиза олдига қуйилган ва эксперт жавоб бериши керак бўлган саволлар;
- тадқиқотга юборилаётган объектларнинг номи;
- экспертизага таққослаш тадқиқотлари учун қандай намуналар жўнатилганлиги.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорнинг намунавий шакли жинойт-процессуал қонунчиликда белгиланмаган. Аммо, амалдаги қонунчиликни ва тергов амалиётини таҳлил этиш натижасида бундай қарорлар қуйидаги уч қисмдан иборат бўлиши маълум бўлди: кириш қисми, таърифий-асослаш қисми ва қарор чиқариш қисми.

Қарорнинг кириш қисми ўзига ҳужжатнинг номи, у чиқарилган вақт ва жой, ушбу қарорни чиқарган шахснинг лавозими, унвони ҳамда фамилияси ва исми-шарифи, экспертиза тайинланаётган жинойт ишининг номери ва номланиши каби маълумотларни мужассам этади.

Қарорнинг таърифий-асослаш қисмида жинойт ишининг ана шу тайинланаётган экспертизанинг предметига тегишли бўлган мазмуни ва шарт-шароитлари, экспертиза тайинлаш учун асослар келтирилади ва ЖПКнинг дастлабки тергов ҳаракатлари жарёнида

экспертиза тайинлаш ва ўтказишни мувофиқлаштирувчи моддаларига мурожаатлар қайд этилади.

Қарорнинг қарор чиқариш қисмида қуйидагилар кўрсатилади: терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори, ушбу экспертизани ўтказадиган муассасанинг номи, эксперт жавоб бериши керак бўлган саволларнинг рўйхати ва экспертнинг ихтиёрига тадқиқот учун юборилаётган материалларнинг рўйхати ва номи.

Экспертиза тайинлаш ва ушбу экспертизанинг натижалари қуйидагиларни қамраб олувчи тайёргарлик босқичига боғлиқ бўлади:

– экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш учун асосларни аниқлаш мақсадида жиноят иши материалларини таҳлил этиш;

– тадқиқот учун объектлар ва материалларни кўздан кечириш ва уларни расмийлаштириб олиш;

– экспертиза тадқиқотлари учун зарур объектлар ва бошқа материалларни тайёрлаш;

– экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш;

– экспертизани тайинлашнинг зарур вақтини аниқлаш;

– экспертиза ўтказиладиган муассасани тўғри танлаш;

– эксперт олдида саволларни тўғри танлаб қўйиш;

– экспертга танишиш учун жиноят иши материалларининг қандай даражадаги қисмларини тадқим этиш ҳақидаги саволни ҳал этиш.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорни чиқаришдан олдин экспертиза объектларини кўздан кечириб олиш каби жуда муҳим тадбир мавжуд. Шу боисдан, криминалистик экспертизаларни ўтказиш методикасини батафсил ўрганилса, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштиришнинг ташкилий жиҳатларини тушуниш мумкин бўлади.

Терговчи, шунингдек, экспертиза ўтказиш жараёнида ҳам қатнашишга ҳақли. Аини дамда қонун чиқарувчи терговчининг экспертиза тадқиқотларини ўтказиш вақтидаги ваколатларини аниқ белгиламайди.

Жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ, терговчи эксперт ихтиёрига материалларни тақдим этар экан, тадқиқот предметини белгилайди. У экспертга материалларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади, уларнинг иш учун аҳамиятини очиб беради, экспертга саволларни қўяди. Бироқ, экспертиза ўтказиш жараёнида терговчининг иши фақатгина шу билан чекланиб қолмайди.

Терговчининг эксперт билан ўзаро ҳамкорлиги энг яхши натижаларни қўлга киритиш учун экспертиза ўтказишнинг барча бос-

қичларида – унинг тайинланишида ёки ўтказилиши жараёнида ва эксперт хулосаларини баҳолашда ҳам амалга оширилиши лозим. Бир қатор ҳолларда терговчининг экспертиза ўтказишдаги иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу терговчига эксперт тадқиқоти услубини яхшироқ тушуниш, эксперт хулосаларини тўғри ва аниқ баҳолаш, уларни иш бўйича далиллар тизимидаги ўрнини аниқлаш имконини беради. Терговчининг тадқиқот жараёнида иштироки кўшимча ва такрорий экспертизаларни асоссиз равишда тайинланишининг олдини олади.

Бу терговчига экспертиза йўналишидан ўз вақтида хабардор бўлиш, экспертга эса терговчининг эътиборини текшириш жараёнида аниқланган ҳамда янги жиной ҳодисалар ҳақида хабар берувчи ҳамда илгари терговга номаълум бўлган шахсларни жиной жавобгарликка жалб этиш бўйича янги ҳолатларга қаратиш имконини беради (масалан, бундай ҳолат суд-бухгалтерия экспертизасида намоён бўлади).

Табиийки, терговчининг эксперт тадқиқотида иштирок этиши, терговчи эксперт томонидан ўтказилаётган соф экспертлик фаолиятига аралашishi, экспертнинг ташаббусини чеклаши ҳамда унга унинг махсус билимлари соҳасида кўрсатмалар бериши, у ёки бу даражада эксперт функцияларини шахсан бажариши, экспертга босим кўрсатиши, уни иш бўйича танланган тусмолга мутаносиб хулоса беришга ундаши мумкинлигини англамайди.

Терговчи бутун тадқиқот давомида ҳам, шунингдек, экспертнинг алоҳида ҳаракатларида ҳам иштирок этишга ҳақли, бироқ эксперт хулосаларини муҳокама қилиш босқичи бундан мустасно. Терговчи экспертиза тадқиқотларида иштирок этиши зарурияти туғилганлиги ҳақида экспертни хабардор қилади, ўз навбатида, эксперт эса терговчига уни қизиқтираётган текшириш ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида маълум қилади. Терговчининг қатнашмаслиги экспертиза юритувини тўхтатиб қўймайди.

Эксперт ўз ташаббуси билан терговчига уни экспертиза тадқиқотларида қатнашиши мақсадга мувофиқлигини маълум қилиши мумкин.

Шунингдек, эксперт терговчининг суд-психиатрия экспертизаси ўтказишдаги иштирок экспертиза натижаларига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисобласа (текшириладиган шахс билан руҳий алоқани ўрнатиш қийинлашиши оқибатида), у бу ҳақда терговчига хабар беради. Бироқ, огоҳлантиришга қарамай, терговчи экспертиза ўтка-

зишда иштирок этишга қарор қилса, эксперт бунга қаршилиқ қила олмайди, бироқ, ўз хулосасида бегона шахсларнинг қатнашиши экспертиза жараёни ва натижаларига таъсир қилганлигини (масалан, экспертиза ўтказилаётган шахсдан зарур маълумотларни олишнинг имкони бўлмади ва натижада эксперт тадқиқоти тўлиқ бўлмади ва ҳ.к.) кўрсатишга ҳақли.

Терговчининг эксперт тадқиқоти жараёнида шахсан иштирок этиши унга тадқиқот жараёни ва унинг натижаларини бевосита кузатиш имконини беради. Айти дамда бунда терговчининг роли фақатгина пассив кузатувга тенглаштирилиши лозим.

Экспертлар томонидан самарали усул ва техник воситалар қўлланилмаган тақдирда терговчи экспертга ашёвий далилларни ҳар томонлама ва тўлиқ текширишга эришиш учун бундай усуллардан фойдаланишни таклиф қилишга ҳақли. Терговчи экспертни текширишнинг аниқ усулидан фойдаланишга мажбурлашга ҳақли эмас. Эксперт унга таклиф этилаётган усулнинг илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ишончи комил бўлса, хулоса беришни рад этиши мумкин.

Терговчининг эксперт тадқиқотини ўтказишдаги иштироки у эксперт иши ҳақида ҳамиша хабардор бўлишини, у қандай тўсиқлар ва қийинчиликларга дуч келаётганини билишга, унинг ишидан келиб чиққан ҳолда янги саволлар шакллантириши мумкинлигини таъминлайди.

Демак, терговчи экспертиза тадқиқотларида қатнашиши орқали қуйидаги қўшимча имкониятларга эга бўлади:

- эксперт хулосасини баҳолаш;
- экспертга қўйилган саволлар моҳиятини, эксперт ҳисобга олмаган маълумотлар аҳамиятини, тадқиқот жараёни ва натижаларини тўлиқ қайд этиш заруриятини тушунтириш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш ёки қўшимча экспертиза тайинлаш заруриятини аниқлаштириш;
- эксперт ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги қонуннинг барча талаблари ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- янги далиллар тўплаш заруриятини аниқлаш;
- экспертга айбланувчи тушунтиришларини олиш ва қайд этишга ёрдам кўрсатиш.

Терговчи томонидан олинадиган эркин ва экспериментал намуналар эксперт текширишлари учун етарли ва асосли бўлиши керак. Олинган намуналар объектнинг ҳақиқий ўзидан келиб чиққанлиги шубҳасиз ва асосли бўлиши учун процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тадқиқот зарур бўлган намуналар олиш учун терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Нусхалар олинганлиги ҳақида баённома ёзилиб, унда олинган намуналарнинг сони, намуна олишдаги шарт-шароитлар, бажарилиш усуллари батафсил ёзилиши, тузилган баённома ва имзолар билан тасдиқланиши керак. Айбланувчи, гумондор гувоҳ ёки жабрланувчидан қоғоз устига ёздириб олинган намуналар терговчи ҳамда намунани бажарувчи томонидан тасдиқланиб имзоланади. Олинган намуналар бошқа объектлар каби тегишли тартиб ва усулда ўралади ва муҳрланади.

Экспертиза учун олинган намуналар жиноят-процессуал қонунга биноан баённома билан расмийлаштирилади. Эксперт ўзи ташкил қилиб олган намуналари ва эксперимент тадқиқотларини ўзининг хулосасини, баёнот, яъни тадқиқот қисмида тўла ва аниқ акс эттиради.

Тадқиқот учун олинган намуналар экспертизанинг бошқа объектлари қаторида тегишли усулда ўраб-жойлаштирилиб, уларнинг тури ва сони қарор (ажрим)да кўрсатилади.

Экспертиза натижалари ва экспертнинг тақдим этилган объектлар билан ўтказган тадқиқотлари эксперт хулосаси шаклида расмийлаштирилади. Эксперт хулосаси куйидаги қисмлардан иборат:

- экспертиза хулосаларининг кириш қисми;
- экспертиза хулосаларининг тадқиқот қисми;
- экспертнинг якуний хулосалари;
- кўргазма материаллар (фотожадваллар).

*Экспертиза хулосасининг кириш қисми.* Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилда қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексига биноан экспертиза хулосасининг кириш қисмида «суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой; суд экспертизасини ўтказиш асоси; суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар;

суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар»<sup>1</sup>, ундан ташқари, «ишнинг моҳияти» белгиси остига кўрилаётган жиноят ишининг тўлиқ тафсилотлари, далилий ашёларнинг аниқланиш ва топиб олиниш шароитлари кўрсатилади.

*Экспертиза хулосаларининг тадқиқот қисми.* Хулосанинг бу қисмида эксперт тақдим этилган объект ўрамининг ҳолати, агар ўрам бузилган бўлса, бу бузилиш объектга қандай таъсир кўрсатгани тўғрисида батафсил ёзилади. Экспертизаларда тадқиқотлар жараёнида фойдаланилган техник воситалар кўрсатилади.

Тадқиқот қисмида тадқиқот жараёнида аниқланган барча умумий ва хусусий аломатлар, уларнинг эксперт муайян бир тўхтамга келишига ёрдам берадиган тўплами таърифланади. Чунки, аниқланган аломатлар ва белгиларни таърифлаб ёзишнинг тўлиқлиги, эксперт хулосаси келтириб чиқаришга асос бўладиган аломатлар йиғиндисига боғлиқ бўлади. Аниқланган аломатларни таҳлил этиш ва баҳолаш аввало алоҳида-алоҳида ўтказилади, кейин эса аниқланган умумий ва хусусий аломатларнинг мажмуаси баҳоланади. Эксперт хулосасининг тадқиқот қисми ўтказилган тадқиқотлар натижаларини баҳолашни баён этиш билан якунланади. Бунда аниқланган аломатлар нималардан дарак бериши ёки қандай хулоса чиқаришга асос бўла олиши, аломатларнинг ўхшашлиги ёки фарқлари нималарда намоён бўлиши, аниқланган аломатлар қатъий ижобий ёки қатъий салбий хулоса чиқариш учун етарли (етарли эмаслиги) эканлиги кўрсатилади. Шу ернинг ўзида экспертизанинг якуний хулосаларига асос бўладиган фактлар баён этилиши лозим. Тадқиқот қисмида *эксперт тажрибаларини ўтказиш* жараёни ҳам ёритилади, чунки экспертиза тадқиқотларида экспертиза хулосасининг якунини шакллантириш учун тадқиқот жараёнида бажарилган тажрибаларнинг бориши ва натижаларини баён этиш зарур бўлади. Тажрибадан олинган маълумотлар экспертга изларни ҳосил бўлиш механизмларини, из ҳосил қилувчи объектларнинг акс этган изларини ҳақиқийсидан қай даражада четлашганини аниқлашни, аломатларни акс этиш барқарорлигини ва уларни бошқа объектларга тасвирланишининг аниқлигини баҳолаш имконини беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.; Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процесуал кодекси (184-модда).

*Экспертнинг яқуний хулосалари.* Бу экспертиза хулосасининг яқуний қисми бўлиб, ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда экспертиза олдига қўйилган саволларга аниқ ва қисқа жавоблар берилади.

*Кўрғазма материаллар (фотожадваллар).* Экспертиза хулосаларининг фотожадваллари қуйидагича расмийлаштирилади:

- илова этилаётган фотосуратлар ёрқин тасвирланади;
- фотосуратлар етарлича бўлади;
- илова қилинган фотосуратлар рақамланади, изоҳлар ёзилади;
- фотосуратлар бир хил масштабда бўлади, аломатлар алоҳида белгиланади.

Экспертиза амалиётида баъзи ҳолларда қатъиян хулоса беришнинг иложи бўлмайди, бунда тахминий ёки қўйилган саволларни ҳал қилишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида хулоса берилади. Бундай хулосанинг сабаби тўла ва асосланган, исботи эксперт ҳужжатининг тадқиқот қисмида ифодаланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- экспертиза амалиётида қўлланиладиган тадқиқот методикасининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- текширилган объектнинг ўзига хос бўлган индивидуал белгиларнинг ҳажми етарли эмаслиги ва бошқа омиллар.

Кўрсатилган ҳолатлар экспертиза материалининг такроран тадқиқотларини ўтказиш учун экспертиза муассасаларига юборишга асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, фақатгина эксперт ва терговчи ўртасида биргаликдаги тизимли процессуал ҳаракатлар амалга оширилар экан экспертиза жинойтларни очишда асосий аҳамият касб этади. Шу сабабли терговчи тайинлаётган ва ўтказилаётган экспертиза имкониятларини аниқ билиши ва экспертга хулоса шакллантиришда амалий ёрдам бериши талаб қилинади.

## 6-§. МЕТАЛЛАР, ҚОТИШМАЛАР ВА УЛАРДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ

Металлшунослик, физика ва криминалистика соҳасидаги махсус билимлар асосида олинадиган маълумотлар орқали кўрилаётган иш вазиятини, ҳақиқатни аниқлаш, металллар, эритмалар, (қотишмалар) ва улардан тайёрланадиган буюмлар экспертизасининг предметини ташкил қилади. Ушбу экспертиза доирасида микрообъектларнинг тадқиқотлари ҳам ўтказилиши мумкин. Бу турдаги экспертиза тадқиқотларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– металлларнинг қолдиқларини ва турларини топиш, уларни қандай мақсадларларда ишлатилишини аниқлаш;

– металл бўлакчалари бир бутунни ташкил қилганлигини аниқлаш.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун саволлар қуйидагича таърифланиши мумкин:

– текширишга тақдим қилинган ашёвий далилларда металл заррачалари борми, бўлса металлларнинг қандай турига киради;

– гумон қилинаётган шахснинг кийимида металл (масалан, пўлат, мис) қириндилари, кукунлари борми;

– жабрланувчининг ярасидан олинган заррача металлданми, агар шундай бўлса унинг таркибида қандай металллар бор.

*Экспертиза объектлари.* Металл қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси объектлари сифатида қуйидагилар кўпроқ тарқалган:

– кулф ва сейфларнинг металл қипиқлари ва қолдиқлари;

– автотранспорт ва бошқа механизмларнинг бузилган металл қисмлари.

Ашёвий далилларни ва намуналарни экспертизага тайёрлашда ўта эҳтиёткор бўлиш ва бу жараёнга диққат билан ёндашиш лозим. Металл буюмларнинг текшириладиган юзалари ёки улар билан туташиб турган буюмлар (масалан, таққосланаётган маҳсулотлар, металланиш изи бор деб тахмин қилинган кийимнинг бир қисми, қиринди) бўлак-бўлак пакетларга жойланади.

Металл буюмнинг ишлаб чиқариш усулини (келиб чиқиш манбаини) аниқлаш учун керак бўладиган маълумотларни уни яшаш (тайёрлаш) жараёнида фойдаланилган ускуна ва қурилмаларни текшириш йўли билан олиш мумкин. Ўхшашликни топиш учун буюмнинг барча белгилари аниқланади, шу туфайли экспертизага ашёвий далиллар ҳақида батафсил маълумотлар берилиши ва солиштириш



учун текширилувчи буюмларнинг стандарт намуналари юборилиши керак. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ёки бошқа хужжатларда ҳодиса натижасида вужудга келган аҳвол, яъни металлнинг ташқи кўриниши, кимёвий таркиби ва структурасидаги ўзгаришлар тўғрисида кўрсатиб ўтилиши муҳим, чунки баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

## 7-§. ТОЛАЛИ МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ҳар хил тоифадаги жиноий ишлар тергов қилинганда толали табиатга эга бўлган объектлар (тўқимачилик материаллари, кийим-кечак) воқеа вазиятларини аниқлашда катта роль ўйнайди. Чунончи, зўрлаш, одам ўлдириш ва автомобиль ҳалокати бўйича жиноий ишлар бўйича кийим-кечаклар ва ҳар хил буюмлар юзасида қолган майда толаларни текшириш алоҳида аҳамият касб этади. Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар (қоп, газлама, чойшаб ва бошқалар) ҳамда арқонлар, боғичлар ва ип қопламали электр симлар жиноят тафсилотлари ҳақида муҳим маълумот беришиш мумкин. Айрим толалар, иплар ва ҳатто жиноятчи кийимининг кичик бўлаклари тўсиқлардан ўтишда, бошқа объектларда (жабрланувчининг кийимида) қолиши мумкин.

Кўпинча ашёвий далиллар сифатида ёнган (алангадан ёхуд ўчоқдан, печкадан олинган) кийим қолдиқлари ёки бошқа тўқимачилик материаллари учрайди. Куйган кийимларнинг қолдиқлари бўйича уларнинг дастлабки тури ва қандай мақсадларда қўлланиш мумкинлиги аниқланади.

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасининг предмети махсус билимлар асосида аниқланган фактларнинг содир бўлган воқеа билан боғлиқ бўлганлигини толали материаллар ёки уларнинг қолдиқлари орқали белгилашдир.

Ушбу экспертиза қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

– толали материаллар, иплар, газлама, трикотаж ва бошқа толали объектларнинг умумий тур ва гуруҳий хоссаларга эгаллигини аниқлаш;

– ҳар хил предмет-ташувчиларда аниқланган микротолаларнинг ушбу предметга ўрнашиб қолган жойини ва уларнинг текширилаётган воқеага тааллуқлигини аниқлаш;

– кийим-кечаклар ҳосил бўлган микротолалар орқали улар бири бири билан ўзаро контактда бўлганлиги аниқлаш;

– ёнишдан қолган қолдиқлар орқали кийимларнинг ва бошқа толали объектларнинг аввалги (бирламчи) турини ва уларнинг қандай мақсадларга мўлжалланганлигини аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси олдига қуйидаги саволларни қўйиш мумкин:

- жабрланувчи ва гумон қилинаётган шахснинг кийимларида бир-бири билан умумий туркумга эга бўлган майда толалар борми;
- агар бор бўлса, бу майда толалар кийимларда қандай ҳосил бўлган (улар ўзаро бир-бири билан контактда бўлганми);
- воқеа жойидан олинган қўл таркибида кийим қолдиғи, материал ва бошқа толали материаллар қолдиғи борми (агар бўлса уларнинг табиати ва ишлатиш соҳаси аниқлансин);
- жабрланувчининг тирноқ ости қолдиқларида микротолалар мавжудми, бўлса гумонланувчининг кийимлари толалари билан бир гуруҳга (туркумга) тааллуқлими.

*Экспертиза объектлари.* Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларнинг асосини ягона (бир донагина) тола ва ип ташкил қилади. Толали материалларга текстил толалари, техник мақсадларга мўлжалланган толалар, иплар, газмоллар, трикотаж, тўқималар ва бошқалар киради. Ушбу материалларнинг куйган бўлакчалари, қолдиқлари ҳам экспертиза амалиётида кўплаб учраб туради. Толали материалларнинг турлари (ассортименти) жуда кенг ва хилма-хилдир. Фақатгина текстил материалларининг ассортиментига буюмларнинг бир қанча минг номлари ёки артикуллари тааллуқлидир. Барча толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар аниқ бир тартибда синфларга бўлинган. Шу мақсадда илмий-техник (масалан, толалар учун), технологик (тола, ип ва газмоллар учун) ва савдо (газмоллар, кийимлар учун) синфлари қўлланилади. Криминалистик масалаларни ҳал қилишда ушбу объектлар учун махсус ишлаб чиқилган синфланиш эътиборга сазовор.

Ашёвий далилларнинг ўз вақтида тўғри олиниши ҳамда уларни ўзгартирмай экспертиза муассасасига етказилиши тадқиқотларнинг муваффақиятли олиб борилишига ёрдам беради ва осонлаштиради.

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларни экспертизага тайёрлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- толали материаллар бўйича экспертиза бошқа турдаги (трасологик, суд-тиббий, баллистик ва бошқа) экспертизалардан олдин тайинланиши керак, акс ҳолда майда толалар йўқолиши ёки ўз хусусиятларини ўзгартириши мумкин. Бунга амал қилинмаса, экспертиза натижасиз бўлиши, ҳатто жиноятни очишга салбий таъсир қилувчи хулоса берилиши мумкин;

- ҳар бир кийимни (умуман толалали материалларни) бир-бирига теккизмасдан, алоҳида-алоҳида оқ қоғозга, пакетга солиш ва тегишли белги қўйиш лозим;

– объектларни қоғозга ўрашдан олдин уларни алоҳида кўздан кечириш лозим, агар улар ҳўл бўлса қуришти керак;

– олинган ашёвий далилларни силкитиш-қоқиш, тозалаш, ювиш қатъиян ман этилади, акс ҳолда керакли микротолалар йўқолиб кетиши мумкин;

– юзасида майда толалари бўлиши мумкин бўлган буюмлар (совуқ қурол, транспорт воситаларининг алоҳида қисмлари, деталлари жуда эҳтиёткорлик билан қоғозга ўралиши лозимки, улардаги майда толалар йўқолмаслиги керак;

– ёнган нарсаларнинг қолдиқлари ва мурт (тез синиб кетадиган) объектларни шиша идишга ёки полиэтилен пакетга солиб, асли кўринишининг ўзгаришига йўл қўймаслик керак;

– ҳар бир бармоқнинг тирноқости кирларини алоҳида-алоҳида қоғозга ёки кичкина пробиркаларга солиш керак;

– кийимларнинг ўзаро контактда бўлганлигини аниқлаш учун экспертга шу ишга тааллуқли ҳужжатларни (ашёвий далилларни олиш ҳақидаги далолатнома) тақдим этиш ва бу кийимларнинг қандай ҳолатда эканлигини (тоза ҳолатдами, ювилганми, кийилганми ва ҳокозолар) кўрсатиш лозим.

## 8-§. ЛОК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ҚОПЛАМАЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Кўпгина жиноятлар бўйича (йўл-транспорт ҳодисалари, қотиллик, ўғрилик ва ҳоказо) тергов олиб борилганда лок-бўёқ материаллари (маҳсулотлари) ва бўялган нарсалар асосий ашёвий далил бўлиб ҳисобланади.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизасининг мавзуси-маҳсус билимлар асосида жиноий ишнинг вазиятини ва актларни бошқа аҳамиятли фактларни ушбу ашёвий далилларни тайёрлаш технологияси ва бошқа кўрсаткичлари ёрдамида турли фанлар ютуқларини қўллаган ҳолда аниқлашдан иборат.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси буюмларнинг бир-бири билан ўзаро таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Бундай ҳоллар кўпинча автотўқнашувлар (транспорт воситаларнинг бўёқ заррачалари бўйича), қотиллик, ўғрилик (жабрланувчининг, айбланувчининг кийимидаги бўёқ қопламалари ва бўёқ суртилишлари бўйича) ва бошқа жиноятларни очишда учраб туради.

Ушбу экспертизанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- лок-бўёқ материаллари ва қопламаларнинг заррачаларини топиш;
- лок-бўёқ материаллари ва қопламаларнинг табиатини, турини, таркибини ва қайси мақсадга мўлжалланганлигини аниқлаш;
- бўялган нарсаларни таркибида лок-бўёқ материаллари бор бўлган излар билан солиштириш;
- лок-бўёқ бўлакчалари орқали бир бутунликни, умумий бир туркумга ёки гуруҳга тааллуқлигини аниқлаш;
- лок-бўёқнинг келиб чиқиш манбаини аниқлаш.

Ушбу экспертиза асосан қуйидаги саволларга жавоб беради:

- предмет ташувчида лок-бўёқ материалларининг ёки қопламаларнинг зарралари (умуман ёки маълум бир тури) борми;
- аниқ нарсалар (предметлар) бир-бири билан ўзаро контактда бўлганми.

*Экспертиза объектлари.* Ушбу экспертизанинг объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бўялган нарсанинг лок-бўёқ қопламалари ва улардан ажралган қисмлари;
- бир-бири билан контактда бўлганлигидан далолат берувчи излари бор бўялган предметларнинг аниқ йиғиндиси.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари бўйича экспертиза тайинлашда уларнинг хилма-хил хоссаларини ҳисобга олиш керак. Бу объектлар кўп компонентли бўлиб, улар қуриб қолгандан сўнг ташқи таъсирларга анча чидамли бўлади. Суюқ ҳолда эса кўп сақланса, икки-уч қаватга ажралиб қолади: пигмент ва тўлдирувчи моддалар чўкади, енгил компонентлар эса тепа қисмга чиқиб қолади. Бу ҳолда лок бўёқнинг таркиби ҳар хил бўлиб ўзгариб қолади.

Лок-бўёқ маҳсулотларини тайёрлашда органик ва норганик моддалар асосий компонентлар ҳисобланади. Уларнинг асосини боғловчилар (органик моддалар), парда ҳосил қилувчи сунъий ва табиий қоришмалар (смола), мойлар, органик ва норганик табиатга эга бўлган табиий ва сунъий пигментлар – ранглар, минерал моддалар-тўлдирувчилар, органик эритувчилар (спиртлар, углеводородлар, эфирлар) пластификаторлар, сиккативлар ташкил қилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган лок-бўёқ маҳсулотларининг таркиби улар қандай мақсадга мўлжалланганлигига (саноат учун, хўжалик учун, рассомлик мақсадлари ва шу кабиларга) боғлиқ. Транспорт воситаларини бўяшда компонентлар сони ва кимёвий таркиби ўта муракаб бўлган материаллар (эмаллар, грунтлар, шпаклёвкalar) ишлатилади, хўжалик бўёқлари таркибига худди шундай элементлар кириши мумкин, лекин уларнинг боғловчилари кам сонли компонентлардан ташкил топган.

Ҳар бир транспорт воситалари турида ўзининг алоҳида қоплама аралашмаси бор: грунт, шпаклёвка, бўёқ (эмал), лок. Юза қисмини грунтловкалаш унга намга чидамликни бўёқнинг ҳамда бўялган юзанинг адгизион хусусиятларини ошириш учун ўтказилади. Грунтланган юзани текислаш учун нотекис ва ёрилган жойларини шпаклёвка қилинади, ундан кейин юзага бир қатламдан уч қатламгача бўёқ (эмаль) сурилади. Баъзи бир юзалар (велосопедлар, мопедлар) лок билан қопланиши мумкин. Заводнинг технологик таркибида асосий деталлар бўялади. Жуда майда деталлар грунтланмаслиги мумкин, улар бирйўла эмаль билан қопланади. Бўялган юзанинг ҳимоясини таъминлаш лок-бўёқ қатламлари сонига боғлиқ. Шунинг учун экспертизага олинган намуналардан лок-бўёқ қопламалари қатламларининг сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Экспертизага намуналар олишда юқорида кўрсатилган ҳамма ҳолатларни ёдда тутиш зарур. Лок-бўёқ маҳсулотлари ва қопламалари ўзларининг хилма-хил хоссалари йиғиндиси билан ажралиб туради: ташқи тузилиши (ранги, юза сифати), ички тузилиши (кўп қатламлилиги,

қўшимчалар, қатламларнинг ўзаро бирикиши) ва ҳокозо. Бу хоссаларнинг ҳар бири алоҳида ва йиғинди ҳолда эксперт томонидан ўрганилади ва улар намуналарни таққослашда фойда беради.

Ашёвий далиллар кўпинча юзаси бўялган объектлар (транспорт воситалари ёки уларнинг баъзи деталлари, қисмлари, қурилиш конструкциялари, бузиш қуроллари ва асбоблар) ва текширилаётган объектнинг қисмлари, яъни лок-бўёқ қопламаларининг заррачалари кўринишида ёки предмет ташувчининг юзасидаги бўёқ излари шаклида бўлади.

Текширилиши керак бўлган буюм (нарса) ўрнига қиринди зарраларини ёки улардан қандайдир йўл билан лок-бўёқ қопламасини кўчириб олиб келиб экспертиза олдига қўйилган саволни аниқ ечишга салбий таъсир этади.

Экспертиза вазифаларини муваффақиятли ечиш учун текширишга ашёвий далиллар билан бирга таққослаш учун лок-бўёқ маҳсулотлари (бўялган нарса) ҳам тақдим қилиниши зарур. Бундан ташқари, жиноий иш материалларидан лок-бўёқнинг келиб чиқиши (стандарт ёки қўлбола тайёрланган предмет ва унинг бўёғи), юзани қайта бўяш (технология, ишлатилган материаллар, асбоб-анжомлар), нарсаларнинг бўялган аниқ ёки тахминий куни, бўялган нарсанинг ишлатилиш шароитлари ҳақидаги маълумотлар ҳам экспертиза тадқиқоти учун аҳамиятга эга. Ашёвий далилларни экспертизага тайёрлашда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур: ашёвий далиллар – воқеа жойидан топилган бўёқ парчаларини йиғиштириш, қоғоз пакетга ўраш жараёнида уларнинг синиши, бир-биридан ажралишига йўл қўймаслик керак, чунки трасологик текширишлар ўтказиш учун, яъни бўёқ парчаларининг бир бутунга тааллуқлилигини аниқлашда парчаларнинг бутунлиги муҳим аҳамиятга эга.

Буюмлар ифлосланиш излари билан олинганда шундай ўралиши керакки, токи эски излар йўқолмасин ва жиноятга алоқаси бўлмаган янгилари ҳосил бўлмасин.

Бўялган нарсанинг лок-бўёқ қопламаси лат еган жойи ҳамда бўёқ теккан кийим ва бошқа объектларни қўшимча механик таъсирдан ва қандайдир ёт зарралардан асраш керак. Ашёвий далилда бўёқ излари бор деб тахмин қилинганда, биринчи навбатда унда бўёқ изи бор-йўқлигини аниқлаш ва текшириш лозим. Сўнгра, зарур бўлган тақдирда, ашёвий далил суд-тиббий ва бошқа экспертизаларга жўнатилади.

Бўялган юзалардан текшириш учун намуналар олинганда, улар иложи борича, айнан ўша лат еган, ўзаро таъсир содир бўлган жойдан олинishi керак. Бу жуда муҳим, масалан юзаки қаралганда, транспорт воситалари деталлари қайтадан бўялгани сезилмаса, завод бўёғи билан унинг ранги (бўёғи) бир хил бўлса, текширишлар салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Экспертизага лок-бўёқ қопламалари, алоҳида бўялган нарсалар, олинган (кийим бўёқ доғи билан) ҳар бир нарса алоҳида қоғозга ўралади.

Экспертизага бўялган буюм ёки автотранспорт деталларидан олинган бўёқ қириндилари эмас, балки ўша предметларнинг ўзи юборилиши керак, чунки қиринди олинганда таққослаш учун зарур бўлган лок-бўёққа хос белгилар йўқолиб кетиши мумкин. Ҳўл бўлган кийим-кечаклар олдин уй ҳароратида қуритилиб, кейин текширишга юборилади.



## 9-§. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛИ ЭКСПЕРИЗАСИ

Турли хил жиноятлар: жасадни ёки ўзини ўзи ёқиб юбориш, ёнғин, транспорт ҳодисалари, ўқотар ва совуқ қурол ишлатиш, нефть маҳсулотларини ўғирлаш, сохталаштиришни тергов қилишда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизасини ўтказиш зарурияти туғилади.

Нефть маҳсулотлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизасининг далилий аҳамияти шундаки, текшириш натижалари бўйича ёнғин содир бўлган жойда, транспорт воситасида, қуролда ва жабрланувчи ёки жиноятчининг кийимида тез ёнувчи нефть маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари борлигини, уларнинг турини, бир гуруҳга мансублигини аниқлаш мумкин. Турли буюмлардаги ёнилғи-мойлаш материалларининг излари ушбу ёнилғи-мойлаш материалларини қолдирган объектнинг айнан ўзи деб топиш учун яроқли бўлиши мумкин.

Бу экспертизанинг натижалари воқеа тафсилотларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Замонавий инструментал усуллар (юпка қатламли храмотография, ультрабинафша ва инфрақизил спектроскопия, эмиссион-спектрал (анализ ва бошқалар) ёрдамида ҳар хил буюмларда қолган кўз илғамайдиган, жуда кам миқдорда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг юқини (изини) топиш мумкин. Бу ҳол ёнғин содир бўлган жойдан олинган ашёвий далилларни текшириш орқали воқеани содир этишда тез ёнувчи суюқлик ишлатилганми-йўқми деган масалани ҳал қилишга имкон беради.

Кейинги вақтда нефть маҳсулотларини ва ёнилғи-мойлаш материалларини криминалистик текширишнинг кўпайиб кетишига сабаб, биринчидан, уларнинг ҳар хил жиноятларни фош этишда ашёвий далил сифатида ўйнаган муҳим роли бўлса, иккинчидан, қолдиқ излари орқали уларнинг бир гуруҳга мансублигини ёки мансуб эмаслигини топиш имкониятларининг кенгайганлигидир.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- буюмларда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг юқини топиш;
- тўкилган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари ва уларни юқининг турини аниқлаш.

Экспертизага ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– экспертизага тақдим этилган объектларда (кийим, тупроқ намуналари, тахта бўлаклари ва ҳ.к.) нефть маҳсулотлари ёки ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиқлари (излари) борми;

– экспертизага тақдим этилган объектлардаги модда қолдиқлари нефть маҳсулотларининг (ёнилғи мойлаш материалларининг) қайси турига мансуб.

Юқорида келтирилганлар кўп учрайдиган (одатдаги) саволлардир. Жиноий иш бўйича тергов жараёнида бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин. Аммо шунинг ёдда тутиш керакки, тадқиқотлар ҳажми мазмуни қўйилган саволларга боғлиқ, шунинг учун саволларга олинган жавоблар жиноий иш бўйича маълум бир воқеани аниқлашга ёрдам бериши керак.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг таркиби ўта мураккаблиги сабабли бу идишларда қандай модда бор, доғ қандай моддадан қолган, ўхшашми, бир хилми ёки айнан ўзими сингари саволларни қўйиш тавсия этилмайди. Ҳақиқатан ҳам, икки объектнинг кимёвий таркибининг бир хиллиги аниқлангани билан уларнинг нефть маҳсулотларининг бир турига мансуб деб бўлмайди.

*Экспертиза объектлари.* Экспертизанинг бу тури қуйидаги объектларга нисбатан ўтказилади:

– ёнилғи (автомобиль бензинлари, дизель, авиация, буғқозон ва реактив ёнилғиси, мазутлар);

– мойлар (мотор, трансмиссион, индустриал, гидравлик, вакуум, ускуна, технологик ва бошқалар);

– ёғлаш материаллари (антифрикцион-консервацион, узоқ муддат сақлаш учун тўлдирувчи);

– қаттиқ нефть маҳсулотлари (шам, парафин, тирезин, вазелин, битум, қорақуя, озокерит, нефть кокси);

– ҳар хил маҳсулотлар (юқори ҳароратда парчалаш усули билан нефтдан олинадиган маҳсулотлар: бензол, толуол, ксилол, эзопропилензол, лакойл; шимдириш учун ишлатиладиган воситалар, ҳимояловчи мум, ёғлаш ёки совутиш учун ишлатиладиган нефть маҳсулотлари).

Юқорида қайд этилган материалларнинг хилма-хил турлари, асосан, нефтни қайта ишлаш усули билан олинади. Ундан ташқари, улар сланецлар, тошқўмир, смолаларни қайта ишлаганда ҳамда кимё ишлаб чиқариш саноатида ҳам олиниши мумкин.

Жиноят вазиятининг таркибий қисми сифатида нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари ҳар хил ҳажмда ҳамда улар таъсир кўрсатган буюмларда қатлама, қатлам, доғлар ҳолида учраши мумкин.

Ашёвий далилларни мусодара этишда, ўраб жойлашда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш керак:

– нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари суюқ ва чўзилувчан бўлганлиги ҳамда барқарор бўлмаган бир шаклга эга бўлганлиги сабабли уларнинг ҳажми сақланаётган идишига қараб аниқланади;

– кўпгина нефть маҳсулотлари (бензин, керосин, дизель ёнилғиси) таркибида тез учувчан моддалар бўлганлиги сабабли улар таркиб жиҳатдан тез ўзгарувчандир. Нефть маҳсулотлари таркибининг ўзгариши фақат буғланиш натижасида эмас, балки баъзи бир органик моддаларнинг уларда эриши ва ажралиши натижасида ҳам бўлиши мумкин;

– суюқ ва чўзилувчан нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари буюмлар, объектининг (тупроқ, дарахт, сувоқ, тўқимачилик маҳсулотларининг массасига сингиш ва тақсимланиши хусусиятларига эга бўлганликлари туфайли, уларнинг юқлари бир буюмдан иккинчи буюмга суйкалаши натижасида ўтиб қолиши мумкин;

– газсимон нефть маҳсулотлари ҳамда мотор ёнилғиларининг кўп турлари ёнғин хавфини туғдирадиган ва портловчи моддалардир.

Бензин, керосин ва дизель ёнилғисининг таркибида тез учувчан углеводородлар борлиги ҳамда серғовак объектларга сингиши ва тақсимланишини назарда тутиб, улар топилганда, мусодара қилинганда ўраб жойланганда, ашёвий далиллар экспертизага тайёрланаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: суюқ нефть маҳсулотларининг намуналари маълум бир ҳажмдан (идишдан) тезлик билан тоза, қуруқ шиша ёки металл идиш (бутилка, фляга)га олиниб, оғзи тикин (пўкак, шиша, металл ёки пластмасса тикин) билан маҳкам ёпилади ва сурғуч ёки ёпишқоқ тасма билан ёпиштирилади. Агар воқеа жойидан ёки гумон қилинаётган шахсдан кичик идиш (шиша, канистр) топилган бўлса, унинг оғзини маҳкам ёпиб экспертизага юбориш мақсадга мувофиқдир. Башарти, идишни ёпиш иложи бўлмаса (челак, нефть маҳсулоти солинган бочка), у ҳолда суюқликнинг оғзи маҳкам ёпиладиган бир неча идишларга

солиб, бўшаган идишни ҳам полэтилен халтага жойлаб, унинг оғзини боғлаб, ёпиштириб, ҳаммасини экспертизага юбориш керак.

Мойлар, ёғлаш учун ишлатиладиган материаллар, мазут оғзи бураладиган қопқоқли ёки шиша, пўкак, пластмасса тикинли идишга солиниши керак.

Қаттиқ нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналарини полэтилен ёки қалин қоғозли пакетга жойлаб, пакет оғзи маҳкам боғланади. Агар йўлнинг тўшамасидан намуналар олинаётган бўлса, у ҳолда намуналар олиш чизмаси ва баённомаси тузилиб, экспертга унинг нусхаси тақдим этилади.

Ҳар хил буюмларда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизага, иложи борича, буюм (кийим, ўқотар ёки совуқ қурол, транспорт воситасининг олинган қисмлари) билан бирга юборилади. Уларни ўраганда, жойлаганда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари йўқолиб кетмаслиги чорасини кўриш керак. Шу мақсадда кийимдаги нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларидан вужудга келган доғлар юпқа полиэтилен материал билан ёпилиб, чеклаб қўйилади.

Ёнғин билан боғлиқ бўлган ашёвий далиллар (ёнган тахта, кул, куя) дастлабки ёнғин бошланган нуқтасини ўз ичига қамраб олган (2-4 м атрофидаги) жойдан олинади, солиштириш учун эса ёнғин бошланган жойдан анча нари масофадан (2-4 м дан ортиқ) намуналар олинади. Бундай ҳолларда қарор билан бирга воқеа жойини кўздан кечириш, намуналар олиш қайдномалари, намуналар олиш чизмаси, воқеа жойи сурати экспертга тақдим этилади. Бундан ташқари, ашёвий далиллар ёнғин бўлгандан кейин қанча вақт ўтганда олинган ва улар қандай ташқи муҳит таъсирида бўлганлиги (ёмғир, қор, қуёш) ҳақида маълумотлар бўлиши шарт. Ёнғин рўй берган жойдан олинган ашёвий далиллар (ёнган пахта, кул, куя, ичида нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари бўлиши мумкин бўлган идишлар) полэтилен пакетларга жойланиб, ёнғин бошланган жой аниқлангандан кейин экспертизага юборилади.

Агар нефть маҳсулотлари ва ёнилғи мойлаш материалларининг қолдиқлари тахта, мато ва тупроққа сингиб кетган бўлса, намуналар олинаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

а) *ёнган пахта намуналарини олиш.* Нефть маҳсулотлари қолган қурилиш иншоотларининг силлиқ қисмида текшириш учун олинаётган буюмнинг 1 мм чуқурликдан олингани кифоя. Ёриқлар ва дўппайиб чиққан жойларни ўйиб ёки чопиб олиб, қипиқларни ҳам

текширишга юбориш зарур. Нефть маҳсулотларининг қолдиғи ёғочнинг кесилган жойида бўлса, уни бутунлигича 9-10 см қалинликда олиш керак. Агар уларнинг қолдиғи ёғочда аниқ чегараланган бўлса, қириб олинади. Намуналарни бутулай ёнган кўмир бўлиб қолган жойдан эмас, балки чала ёнган сатҳлардан олиш керак, чунки нефть маҳсулотлари бутунлай ёниб кетган жойда сақланиб қолмайди;

б) *ёнган матолардан намуна олиш*. Жун, чарм, ип газламалари ёнгандан кейин ҳам нефть маҳсулотларининг қолдиқларини сақлаб қолади, шунинг учун экспертизага ёнмаган бўлаклар билан ёнган намуналар ҳам тақдим этилиши керак. Намуналар ёнган юмшоқ мебелдан олинаётган бўлса, бунда жилднинг тагидаги матодан ҳамда пахта, ватин, поролон, мебелнинг тахтасидан намуна олиш мақсадга мувофиқ. Қуруқ (контрол) намуналар ҳам олиниши керак;

в) *тупроқ намуналарини олиш*. Нефть маҳсулотларининг қолдиқлари бор деб тахмин қилинаётган тупроқ 2-3 см чуқурликдан пичоқ, куракча, шпатель ёрдами билан олинади;

г) *қорақуя намуналари ёнғин чиққан жойга яқин бўлган иншоотлардан 5-6 нуқтадан пичоқ ёки шпатель билан қириб олиниб, оғзи маҳкам беркитиладиган шиша идишга солинади*. Қорақуя олинган жойлар суратга олиниб, баённомага тикилади. Намуналарнинг тахминий оғирлиги 0,2-0,5 граммдан кам бўлмаслиги керак;

д) *кўрилаётган ишнинг тафсилоти бўйича нефть маҳсулотларининг қолдиқлари бўлиши мумкин бўлган буюмлар, ашёвий далиллар билан ишлаганда, айниқса, эҳтиёткор бўлиш керак*, гарчи, уларда нефть маҳсулотларининг ҳиди билинар-билинмас бўлса ҳам. Бундай ҳолларда қоғоз, кийим, куя каби ашёвий далиллар тезда ўраб, маҳкам беркитилган идишга жойлаб, текширишга юборилади. Бундай ҳолларда ашёвий далилларни олиш баённомасида ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ушбу далилларни воқеа содир бўлгандан қанча вақт ўтгандан сўнг олинганлиги, сақлаш шароити ҳамда ҳодисадан кейин ишлатилган-ишлатилмаганлигини қайд этиш керак.

Экспертиза ўтказиш учун ашёвий далиллардан ташқари қуйидагилар юборилади:

- жиноий иш материаллари (тергов материаллари);
- нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг тахминий табиати, тури, келиб чиқиши, буюмга қандай ўтиб қолиши, сақлаш шароити ҳақидаги маълумотлар;

– нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан ифлосланган бошқа буюмлар, воқеа содир бўлгандан кейин мусодара қилингунча ишлатилганлиги, сарф қилинганлиги ва ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар;

– таққослаш учун нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналари.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг таркиби ўзгарувчан бўлганлиги сабабли уларнинг қолдиқларини сақлаган кийим ёки буюмлар, иложи борича, тез вақт ичида дастлаб кимёвий экспертизага юборилиши керак, сўнгра бошқа (суд-тиббий, трасологик экспертизаларга юборилиши мумкин.

## 10-§. ШИША ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ

Шиша ва ундан тайёрланган буюмларнинг криминалистик экспертизаси комплекс экспертиза ҳисобланиб, унинг услубиёти физикавий-химёвий ва трасологик текшириш усулларини ўз ичига олади. Бу экспертизанинг предмети криминалистика ва шиша тайёрлаш технологияси соҳасидаги махсус билимлар асосида кўрилаётган иш бўйича аҳамиятли вазиятларни аниқлашдир.

Экспертизанинг вазифалари идентификацион ва ноидентификацион масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

– шиша синиқларининг заррачаларини турли предмет ташувчи ашёларда топиш, уларнинг табиатини ҳамда бошқа материаллар билан фарқни аниқлаш;

– шиша синиқ заррачаларининг қайси буюмга тегишлигини, қаерларда қўлланиши, шиша бўлакчаларининг бир бутунликка ёки буюмга тегишлигини аниқлаш, тайёрлаш услубини топиш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим:

*Ноидентификацион масалаларни ҳал қилиш учун:*

– предмет-ташувчиларда шишанинг заррачалари (микробўлакчалари) борми.

*Идентификацион масалаларни ҳал қилиш учун:*

– экспертизага тақдим қилинган шиша бўлаклари буюмларнинг қайси турига мансуб;

– шиша идишнинг бўлакчалари (заррачалари) ва жабрланувчининг ярасидан олинган заррачалар умумий туркумга ёки гуруҳга эгами.

*Экспертиза объектлари.* Ушбу экспертизанинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– шиша буюмлар, уларнинг синиқлари ва микрозаррачалари;

– йўл-транспорт ҳодисаларини текшириш билан боғлиқ бўлган объектлар: транспорт воситаларининг узоқни ва яқинни кўрсатувчи ва ёритиш чироқлари, автомобилнинг олди ва орқа ҳимоя ойнаси, тобланган ойна-сталинит ва уч қаватли ойна-триплекс;

– дераза ойналари ва ойнанинг бошқа турлари кўзойнақ қурилиш ойналари, тош ойна ва бошқалар), ойнанинг кичик зарралари.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган, воқеа жойида қолган шиша синиқларини тезда йиғиб олиш зарур, акс ҳолда транспорт воситаларининг ҳаракати натижасида улар йўқолиб кетиши ва бошқа жойга ўтиб қолиши мумкин.

Воқеа жойини кузатиш давомида ҳаммаси синик шиша бўлакчалари териб олинади, чунки уларнинг қайси бири тергов қилинаётган воқеага тааллуқлилиги фақат эксперт тадқиқоти натижасида аниқланади. Гумон қилинган транспорт воситалардан ҳам ўз вақтида шиша синикларини олиш зарур, синикларни автомашина салони ичидан зарба етказилган фарадан, бампердан, олди безакнинг ташқи қисмидан ва чироқлар уясидан қидириш керак. Агар фаралар, ён томон ойналари синмаган бўлса, уларни текшириб кўриш, яъни ўзгартириб қўйилган-қўйилмаганлигини аниқлаш керак. Воқеа жойидан териб олинган шиша синиклари ҳўл бўлса аввал қуритилади. Ҳар бир шиша синиғи қоғозга ёки пахтага ўралади. Агар буюмларда шиша синиғининг кичик зарраларини топиш зарур бўлса, унда буюмларнинг ўзи алоҳида-алоҳида полиэтилен халтачаларга солиб текширишга юборилади. Ашёвий далиллар қай аҳволда топилган бўлса (объект юзасида ҳар хил моддалар ёки юзаси ифлосланган бўлса ва ҳоказо), шундайлигича экспертизага юборилиши керак.



## 11-§. МАХСУС КУКУНЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ

Коррупция, порахўрлик, фирибгарлик ва товламачилик каби жиноятларни очиш ва тергов қилиш мураккаб ҳисобланади. Кўпинча пора олиш ва бериш ҳеч қандай гувоҳларсиз содир бўлади. Шунинг учун тергов идоралари бу жиноятларни очишда ҳозирги замон криминалистика воситаларидан фойдаланадилар. Улар қаторида махсус кукунлар ва маркерлар (қаламлар) экспертизаси кенг қўлланади.

Кўзга кўринмайдиган махсус кукунлар (люминофор) ва махсус маркерлар (қаламлар)дан фойдаланиш гумондор шахсни жиноят содир этилган вақтнинг ўзида қўлга олишга имкон беради. Люминофор моддалар сифатида ФК-6, Б-3С, 490 РТ, 540 Т, 458 Т ва 440 Т русумли махсус кукунлар ишлатилади. Улар ультрабинафша нурлар (УБ) таъсирида ҳар хил нурланиш хусусиятига эга бўлиб, уларни ташувчи турли буюмлар (пулларда, қўлдан олинган суртмаларда, кийим сатҳларида, стол тортмаси, китоб орасида, қоғоз ичида ва ҳ.к.)да ҳар хил рангда нурланадилар. Бундай кукунлар ашёвий далилларда бор-йўқлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар суд кимёвий экспертиза доирасида олиб борилади. Бунда экспертлар олдида ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилади:

– экспертизага тақдим этилган ашёвий далиллар (пул купюраларида, кийимлар сатҳида, қўллардан артиб олинган суртмаларда ва ҳ.к.)да махсус кукун излари мавжудми;

– экспертизага тақдим этилган пулларда махсус кукун ва махсус қалам излари мавжудми, агар мавжуд бўлса улар таққослаш учун юборилган махсус кукун ва махсус қалам намуналари билан турдошми;

– экспертизага тақдим этилган пуллардаги «Пора» ёзуви намунаси тақдим қилинган махсус қаламнинг ёзуви билан бир хилми?

Юқорида қайд этилган саволларни ҳал қилишда УБ-нурлари остида текшириш услуги, SPECORD-200 русумли асбобда УБ-спектрал таҳлил ва микроскоп-спектрофотометр «LEICA DM RXA MPV SP» ускунаси ёрдамида ашёвий далилларнинг флуоресцент таҳлили – солиштириш тадқиқотлари олиб борилади. Бунда махсус кукунларнинг нурланиш ранги ва уларнинг ютилиш спектрлари максимумларининг бир-бирларига мос келиши бўйича текширишлар олиб борилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, экспертиза тадқиқотларининг тез ва самарали бажарилиши – экспертизага тақдим этилган ашёвий далилларнинг ўз вақтида тўғри олинишига боғлиқдир.

Махсус куқунлар экспертизасини тайинлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Экспертизага юбориладиган ашёвий далиллар (пул купюралари, кийим, конверт, газета ва ҳ.к.) бевосита олинган жойида (масалан, гумондор шахс ушланган ерда) кўздан кечирилади. Бунда ашёвий далиллар билан ишлашда эҳтиёткорлик зарур, чунки ундаги махсус куқунлар излари кам бўлиб, йўқолиб кетиши мумкин. Ашёвий далиллар холислар иштирокида қадоқланади ва тегишли изоҳнома терговчи, холислар томонидан имзоланади. Экспертизага ашёвий далиллар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим: ашёвий далилларга махсус куқунлар билан ишлов бериш баённомаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомаси. Ушбу ҳужжатларнинг ксеронусхалари экспертга тақдим этилиши зарур.

Махсус куқун (қалам) турдошлигини аниқлаш масаласи қўйилганда экспертизага, шунингдек, ашёвий далилга ишлов берилган куқун ва уларга ёзув ёзилган қалам намуналари юборилади.

## **12-§. ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР (ПЛАСТМАССАЛАР, РЕЗИНА, ЕЛИМЛИ МАТЕРИАЛЛАР) ВА УЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИ**

Одам ўлдириш, зўрлаш, ўғирлик, йўл-транспорт ҳодисалари каби жиноий ишлар бўйича полимер материаллар (пластмассалар, резина, елимли материаллар) ва улардан тайёрланган буюмлар кўп тарқалган ашёвий далиллардир.

Транспорт воситаларининг деталлари, электротехника, кабель саноати (электр симларининг изоляция қатлами, материали, изоляция тасмалари) маҳсулотлари, автомобиль ва оёқ кийими (резина, сунъий чарм, пластмасса), атторлик саноатининг маҳсулотлари (тугмалар, тақинчоқлар), полимер плёнкалари, синтетик толалар ва елимлар (клейлар) ушбу экспертизанинг объектлари ҳисобланади. Ушбу турдаги экспертизанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– полимер материалларнинг заррачаларини, қолдиқлари (масалан, автомашина фарасининг полимер қисмининг заррачаси)ни, пластмасса бўлакчасини, полимер қопламалари ва шу кабиларни бирорта буюм юзасида топиш.

Пластмасса ва полимер материалларни излаб топиш, ажратиб олиш ва экспертизага материалларни тўғри тайёрлашни синчковлик билан ўтказиш суд-эксперт тадқиқоти самарадорлигини белгилайди. Ушбу тадбирларни бажаришда қуйидагиларни ёдда тутиш зарур:

– буюмлар ва улар бўлакчаларини топиш, уларнинг юзасидаги пластмасса излари ва қолдиқларига эътибор бериш;

– дастлабки тадқиқот ўтказиб солиштириш учун объектларни танлаб (ранги, кўриниши, ўлчами ва шу кабиларни таққослаб) олиш;

– ашёвий далиллар олинганда уларнинг ҳолатини (қандай жойлашганлигини) аниқ белгилаш;

– тақдим этилган объектларни тадқиқотга тайёрлаш (тартиб белгисини қўйиш) ва экспертиза олдида ҳал этиш учун қўйиладиган саволларни аниқ ва тўғри ифодалаш.

*Пластмасса ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси тайинланганда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:*

– полимер материалнинг кимёвий таркиби ва унинг қаерда қўлланилиши (ишлатилиши) аниқланиши зарур.

Сифатсиз маҳсулотлар, ўғирлик, ёнғин чиқишида ва фожеа ҳолатларини аниқлашда кабель саноатининг маҳсулотлари (электр симлари, шнурлар, кабеллар) асосий далилий манба ҳисобланади.

Резина ва ундан тайёрланган буюмлар криминалистик экспертизасининг объектларига резина буюмлар ва уларнинг қисмлари, микрозарралари ва муайян буюм юзасида қолган излари, ёниш қолдиқлари ва бошқалар киради.

*Қуйидаги диагностик масалаларга оид вазифаларни ушбу турдаги экспертиза олдига ҳал қилиш учун қўйиш мумкин:*

– модданинг табиати ва унинг кейинги текширувлар учун яроқлилигини аниқлаш;

– буюмлардаги шикастланиш сабабларини аниқлаш.

Шу билан бирга, таққослаш (идентификациялаш) мазмунга эга масалалар ҳам ечилиши мумкин:

– турли объектларнинг бир тур ва гуруҳга мансублигини аниқлаш;

– келиб чиқиш манбаларини ва айнан ўхшашлигини аниқлаш.

Юқорида мисол тариқасида келтирилганлар тез-тез учраб турадиган вазифалар бўлиб, жиноий ишлар бўйича тергов олиб бориш жараёнида юзага келадиган ҳолатларга ойдинлик киритиш учун қўйилиши мумкин бўлган бошқа вазифаларни чекламайди.

### 13-§. ОДАМ ДНК СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ҳозирги фан ва техника ривожланиб ва такомиллашиб бораётган даврда судга оид идентифакцион тадқиқотлар соҳасида ҳам янги тармоқлар ривожланиб, суд, тергов, экспертиза фаолиятида самарали қўлланилмоқда. Булар орасида, айниқса, одам биологик материалларининг ДНКси (дезоксирибонуклеин кислотаси) асосида ўтказиладиган экспертиза алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги энг долзарб масалаларни ҳал этишда хизмат қилмоқда.

Одам ДНКси ўзида наслий хусусиятлар ҳақида ахборотни сақловчи, атроф-муҳит шароитига чидамли мустаҳкам биологик полимерлар каторига киради. Одамнинг биологик тўқималари тананинг қаерида жойлашганидан қатъи назар керакли наслий маълумотларни бера олади. Жумладан, қон, маний (сперма), тана ва тери тўқималари, соч толаси ва шу кабиларнинг ДНКси бир хилдир. Одамларнинг генларига кўра идентификация қилиш жараёни улардан биологик материал намуналарини олишдан бошланиб, ДНКси ажратилгандан сўнг рақамлар ёрдамида ифодаланган фақат муайян шахсга хос ДНК коди олиниши билан тугайди. ДНК коди ҳар бир организмда ўзига хос (индивидуал) хусусиятга эга бўлади.

Бир уруғдан ҳосил бўлган эгизаклар ҳомиласидан ташқари ҳолларда, ер юзида ДНК тузилиши хусусиятига кўра бир хил бўлган икки одам бўлмаслиги амалий ва назарий жиҳатдан исботланган маълумотдир.

Тергов ва суд органлари фаолияти учун бу хилдаги тадқиқотларнинг аҳамияти шундаки, жиноят ҳодисаси юз берган жойлардан топиб олинган қон, сперма ва бошқа моддаларнинг ДНК молекуласи тузилиши билан шубҳаланувчи шахснинг ДНК тузилиши билан солиштирганда муайян шахснинг айнанлиги ёки фарқ қилиши қатъиян тасдиқланади. Қон, суяк, сийдик ва бошқа моддаларни анъанавий биологик тадқиқоти одамнинг гуруҳий мансублиги, яъни унинг қони қайси гуруҳга мансублиги белгиланади. ДНК таҳлилида муайян шахснинг қони, тери тўқимаси, соч толаси ва бошқа биологик материаллари эканлиги қатъиян тасдиқланади ёки инкор этилади. Шу билан бирга, одам ДНКси асосида фақат унинг шахси аниқланибгина қолмасдан, унинг бошқалар билан қондош-қариндошлик масаласи ҳам ҳал қилинади.

ДНК экспертизасини тайинлаш зарурати кидирилувчининг шахсини аниқлаш, номаълум мурданинг (ёки мурда қолдиқлари

бўйича) шахсини аниқлаш, оталик-оналик ва бошқа биологик жиҳатдан қариндошлик масалаларини ҳал этишдан келиб чиқади.

Биологик тадқиқот объектлари бўлиб одамнинг танасидаги ҳар бир қисм ёки моддалари, қон ва қон изларини ўзида сақлаган буюм, соч, сўлак ва бошқалар хизмат қилади.

Қон моддалари ва излари одатда жиноят содир бўлган жойларда топилади. Улар кўринарли бўлганлиги ва таркибида насл хусусият ахборотини кўп йиллар давомида (бир неча 100 йилларгача) сақлай олиш сифати текшириш учун энг қулай объект бўлиб ҳисобланади.

Одамнинг маний (сперма)си ҳам қон каби ДНКнинг манбаси бўлиб, нисбий биологик хусусиятларга жуда бойдир. Лекин маний рангсиз бўлганлиги сабабли уни топиш, олиш ишлари мураккаброқ. Амалиётда маний махсус бўёвчи моддаларни қўллаш билан кўринарли қилиб, ашёвий далил бўлган буюмлари билан биргаликда олинади. Сперма ҳам қон каби ўзидаги генетик (наслий) ахборотни кўп йиллар давомида сақлаш хусусиятига эгадир.

Сўлак моддасининг ДНКси одамнинг оғзидан олинadиган эпителия хужайралари таркибида бўлиб, у ўзида сақлаган буюмлар билан биргаликда олинади. Бундай буюмлар кўп ҳолларда чекилган сигарет қолдиғи, жиноятчилар ишлатадиган ниқоб-маскалар, одамнинг лаби теккан стакан, пиёла каби идишлар, чайналган сақичлардир. Булардан ташқари, ДНК учун одамнинг биологик материалларидан айниқса соч толалари, суяк ва бошқа турли юмшоқ орган тўқималари ва шу қабила қимматли тадқиқот объектлари бўлиб ҳисобланади.

ДНК асосида тадқиқот учун одам сочининг илдиз қисми билан бўлганлари яроқлидир, узилган, кесилган, соч толаларида наслий хусусият материали бўлмайди.

Жиноят содир бўлган жойларда (портлаш, ёниш, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида) шахси номаълум мурда, тананинг (мурданинг) айрим қисмлари, суяклар ва бошқа биологик объектлар қолиши мумкин. Бу объектлардаги барча орган ва тўқималар хужайралардан иборат бўлганлиги сабабли, улар ДНК таҳлили учун муҳим тадқиқот материали ҳисобланади.

ДНК экспертизаси учун юбориладиган объектларни олиш, сақлаш, жойлаштириш ва транспортировка қилиш қоидаларини бажариш алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, тадқиқ этилувчи биологик материаллардаги муҳим бўлган наслий хусусиятлар атроф-муҳит ва иқлим шароити таъсири натижасида зарарланиши, бузилиши ёки

умуман йўқолиши мумкин ва оқибатда наслий турлаш масаласини ҳал этишда улар яроқсиз бўлиб қолади.

Экспертиза учун олинган биологик материални нам ва зах бўлган жойлардан ва қуёш нурлари таъсиридан сақлаш лозим, чунки бу шароитлар унинг муҳим идентификацион хусусиятларига салбий таъсир этиши мумкин. Шунингдек, олинган объектлар узоқ муддат сақланмасдан тадқиқотга ўз вақтида юбориши лозим.

Текширилувчи биологик материаллар, хусусан, қон, сўлак, сперма кабиларни уларни ўзида сақлаган (акс эттирган) буюмлар билан биргаликда олиш тавсия этилади. Булар кийимлар ва уларнинг қисмлари, майда предметлар ва бошқа турли нарсалар бўлиши мумкин. Моддаларни ўзида сақлаган предметларни олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда моддани (масалан қонни) тозаланган скалпель билан қириб олинади ёки қон изларидан тозаланган (дистилланган) сувда тоза пахта тампонини хўллаб (намлаб), қон излари пахта тампонига кўчириб олинади.

ДНК эспертизасини ўтказишда ишлатиладиган технология жуда мураккаб ва нозик бўлганлиги учун тадқиқотга юбориладиган материал ва объектларни олишда қўлланиладиган воситалар тоза бўлиши лозим. Масалан, қайчи, қисқич, шпатель, ўткир асбобларни ҳар бир объектни олишдан олдин ва олиб бўлгандан кейин ҳам спирт билан тозалаб ювиш шарт. Спирт билан тозаланган асбоблардаги спирт моддаси буғланиб қуриб қолгандан сўнг улар ишлатилиши лозим.

Текширилувчи объект материалларига бегона молекула, микроблар ва бошқа моддаларнинг заррачалари қўшилиб кетмаслигининг олдини олиш учун уларга қараб йўталиш, аксириш, пуфлаш каби ҳолатларга йўл қўймаслик керак.

Экспертиза материални тайёрловчи ва тадқиқотларни ўтказувчи мутахассислар санитария-гигиена қоидаларига мувофиқ оқ матодан тайёрланган ниқобларда ишлайдилар.

Экспертизага олинган биологик материаллар тегишли шароитда сақланиши лозим. Жумладан, одам организмидан ҳосил бўладиган суюқлик моддаларни жуда иссиқ ёки нам-зах бўлган жойда, иссиқлик манбалари олдиларида, электр-газ плиталари бор бўлган ва қуёш нури тўғридан тушиб қиздирадиган жойларда сақлаш мумкин эмас. Бундай шароит биологик материаллар таркиби ўзгариб, баъзида эса ДНК молекуласининг бузилиб кетишига сабаб бўлади. Объектларни 4<sup>0</sup>С ҳароратда сақлаш тавсия этилади. Шу билан бирга, олинган материал ва объектларни экспертиза муассасасига

юборишни кечиктирмаслик, яъни кўп вақт сақламаслик лозим, чунки вақт ҳам бошқа нобоб шароитлар каби текширилувчи объектларнинг сифатига таъсир этади.

Экспертизани ташкил қилиш, тайинлаш олинган объектларни (тадқиқ этилувчи, намуналар) ва расмийлаштириш бошқа турдаги экспертизалар каби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг умумий қоида-нормалари асосида ўтказилади.

*ДНК экспертизаси ҳал қиладиган масалалар* турли хил бўлиб, тадқиқот объектларининг классификацион хусусиятларини, масалан, шахснинг жинсини белгилаш, жиноий ҳаракатнинг содир қилиниш ҳолатларини (гуруҳ шахслар томонидан зўрлаб номусга тожовуз қилинганлигини) аниқлаш ва идентификацион вазифаларни ҳал этишдан иборатдир. Бу масалаларни тахминан қуйидаги саволлар тариқасида келтириш мумкин:

– тадқиқотга юборилган биологик материаллар таркибида генетик материал (ДНК)ни олиш мумкинми;

– эксперт тадқиқотига юборилган биологик материаллардан (ички орган, юмшоқ ва суяк тўқималари ва ҳоказо) олинган ДНК тадқиқотга яроқлими;

– тақдим этилган одам биологик материалларидан унинг гено-типини аниқлаш мумкинми;

– юборилган биологик материал манбаининг жинси;

– текширилувчи одамнинг биологик материали шубҳаланувчи шахсларнинг қайси бирига мансуб;

– ҳодиса жойидан олинган қон намуналари бир ёки ҳар хил одамларга мансубми;

– одамнинг мурда бўлаклари, алоҳида тана аъзолари бир шахсга тегишлими;

– текширилувчи сперма битта ёки бир неча шахсга мансубми;

– мазкур бола (чақалоқ, ҳомила) кимдан (айнан шу аёл, эркак, шу ота-онадан) туғилган;

– экспертизага юборилган бир неча шахсларнинг биологик материаллари бўйича уларнинг қариндошлик ҳолати (опа-сингиллик, ака-укалик, набиралик, буви-бувалик)ни аниқлаш.

ДНК экспертизаси энг янги замонавий техник воситалар ёрдамида ўтказилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилучи органларнинг оғир жиноятга қарши олиб бораётган ишларини ҳал этишда катта ёрдам кўрсатмоқда.



## 14-§. СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИ

Суд биологик экспертизалари икки турга бўлинади:

- суд-ботаник экспертизаси – ўсимликларни текшириш;
- суд-зоологик экспертизаси – ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган объектларни текшириш.

Одам ўлдириш, зўрлаш, ўғрилиқ, ёнғин содир этиш, йўл-транспорт воқеалари, ноқонуний табиблик, захарлаш каби жиноий ишларни кўриш жараёнида суд-биологик экспертизаси тайинланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- биологик объектларнинг зарраларини, изларини топиш;
- унинг табиатини аниқлаш;
- объектнинг қайси тур, туркумга киришини билиш;
- бир неча объектларнинг маълум бир тур ва туркумга мансублигини аниқлаш мақсадида таққослаб текшириш;
- объектнинг вақтинча хусусиятлари (ривожланиш босқичи)ни аниқлаш;
- объектнинг ўзгариш сабаблари (маълум бир шароитда сақлаш, механик таъсири)ни аниқлаш.

**Ботаник экспертиза.** Ботаник экспертизанинг предмети бўлиб жиноят ишлари бўйича исботлов аҳамиятига эга бўлган ва махсус ботаник ва криминалистик билимлар асосида аниқланадиган ҳолатлар ҳисобланади.

Ботаник экспертизанинг объектлари бўлиб ўсимликлар – текширилаётган ҳодиса шароитларининг ботаник таркиби (сув ўтлари, қўзиқорин, ўт-ўлан, барг, мох, дарахт, унинг танаси ва илдизлари, буталар, ўсимликлардан олинадиган зираворлар, ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар – сок, сақич).

Суд-ботаник экспертизасининг вазифалари:

- 1) тақдим этилган буюм (предмет)лардан ўсимлик келиб чиқишига эга объектларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва идентификация қилиш;
- 2) ашёвий далиллар – ботаник объектларнинг ўзига хос ўзгаришларидан текширилаётган ҳодисанинг вақтини аниқлаш;
- 3) биологик объектларни, уларда мавжуд бўлган излардан ўзаро таъсирлашиш механизмини аниқлаш;
- 4) текширилаётган ҳодисанинг механизми элементларини аниқлаш;
- 5) ҳодисанинг юз бериш жараёни (динамикаси)нинг ботаник таркибий қисмларига кўра қайта тиклаш.

*Ботаник экспертизаларда ҳал этиладиган саволларнинг тахминий рўйхати:*

– тадқиқотга тақдим этилган объект ўсимликми, агар ўсимлик бўлса, унинг турини аниқланг;

– тақдим этилган ўсимликнинг бир қисми аниқ бир турдаги ўсимликка мансубми;

– тақдим этилган ўсимликнинг бир қисми, ўсимликнинг қандай ривожланиш жараёнида ажратиб (кесиб, қирқиб, синдириб) олинган;

– ҳодиса жойидан олинган ва гумон қилинувчининг кийимларидан олинган ўсимликнинг қисмлари илгари бир гуруҳга тегишли бўлганми;

– гумон қилинувчининг кийимлари аниқ бир турдаги ўсимлик чанглари мавжудми;

– тақдим этилган ўсимлик уруғлари қандай ўсимликка тегишли.

## 15-§. ЭКСПЕРТИЗА НАТИЖАЛАРИ ВА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ

Экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш қуйидаги икки хилда усулда амалга оширилиши мумкин:

- эксперт хулосаларини баҳолаш;
- экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш фаолиятини назорат қилиш<sup>1</sup>.

Эксперт хулосаларининг объективлигини баҳолашда унинг бу ишдан манфаатдор бўлмаган, махсус билимлар асосида ва текшириш натижаларига ишонган шахслар томонидан берилгани асос бўлади. Бу талабнинг бузилишига экспертнинг исботланмаган, рад қилинган ва тўлиқ бўлмаган далиллар асосида, эксперт ваколати доирасига кирмайдиган ҳаракатлар доирасида баҳолаш ва хулоса бериш киради.

Эксперт мажбуриятига экспертиза объектини сақлаш ва тўлиқлигини таъминлаш киради. Агар объект экспертиза қилиш жараёнида тўлаллигини йўқотган ёки қисман бузилган ёки шакли ўзгарган бўлиб, бунинг натижасида қайта экспертиза ўтказиш имконияти қолмайдиган ҳолатга келиши мумкин бўлган тақдирда, эксперт жинойт ишини юритаётган органдан тегишли рухсат олиши ва бундай натижаларнинг бўлиши тўғрисида огоҳлантириб қўйиши шарт.

Эксперт хулосаларини баҳолашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- эксперт-криминалистика хизматининг раҳбарлари тергов хизмати раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эксперт иштирокида олинган ҳамда экспертиза тайинлаш учун тақдим этилган ашёвий далиллардан фойдаланиш фаолиятини биргаликда таҳлил этишлари лозим;

- тергов хизматлари томонидан экспертиза хулосаларидан жинойтларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида қай даражада фойдаланганликларини мунтазам таҳлил қилиб боришлари керак;

- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг ҳар бирини иш фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш (масалан, ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг миқдори, сифати, экспертиза найжа-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ивашко и др В.И.* Деятельность экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел по применению экспертно-криминалистических методов и средства в раскрытии и расследовании преступлений. – М., 1996. – С.104.

ларини расмийлаштириш фаолияти, қўйилган саволларга жавоб бериш сифати ва шу кабилар);

– эксперт-криминалистика хизматининг экспертиза ўтказиш, экспертиза натижалари ҳамда эксперт хулосаларини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш масалаларини йиғилишларда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳамда ушу камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Экспертиза тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш фаолиятини назорат қилишда эса қуйидаги тадбирлар орқали амалга оширилиши лозим:

– экспертиза ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилиш;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимларига бошқа вазирликлар ва идораларнинг экспертиза муассасаларида фаолият кўрсатадиган мутахассислари томонидан маслаҳатлар ўтказилишини ташкил қилиш;

– ички ишлар идоралари ҳамда бошқа органларнинг етакчи мухатассислари, амалиёт ва назарийёт ходимлари иштирокида, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ва йиғилишлар ўтказиш;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг хулосаларини мунтазам равишда, соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан тақриздан ўтказилишини ташкил қилиш<sup>1</sup>.

Юқорида ташкилий ишларнинг аҳамияти экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштиришда каттадир, жумладан, экспертиза ўтказишнинг муддати ва сифатини назорат қилишда эксперт-криминалистика хизматининг раҳбари эксперт хулосаларининг муддатлари, тадқиқотларнинг тўлиқлиги ва ҳар томонламалиги, якуний хулосаларнинг асосланганлиги ва уларнинг қўйилган саволларга мослиги, кўргазмали материалларнинг сифати, тадқиқот методларининг тўғрилиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан текширилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Рисунков Н.К.* Криминалистика: проблеми и тенденция развития. – М., 2006. – С. 446.; *П.Т. Скорченко.* Криминалистика: технико-криминалистическое обеспечение расследования преступлений. – М., 2004. – С. 380.

Эксперт-криминалистика хизмати ходимларига бошқа вазирликлар ва идораларнинг экспертиза муассасаларида фаолият кўрсатадиган мутахассислари томонидан маслаҳатлар ўтказилишини ташкил қилиш эса объектларни тадқиқот қилишнинг хусусий методикалари бўлмаса ёки етарлича даражада ишлаб чиқилмаган ҳолларда терговчи томонидан қўйилган саволларга илмий асосланган ва илм-фаннинг илғор ютуқларига асосланган ҳолда жавоб бериш имкони яратади.

Ундан ташқари, эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг хулосаларини мунтазам равишда, соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан тақриздан ўтказилишини ташкил қилишда мураккаб ва кўп объектли экспертиза хулосалари, уларнинг фотожадваллари, терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлари тақризга юборилади, тақриз натижасида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар экспертларнинг келгуси фаолиятида инобатга олинади.

Юқоридаги фикрлар асосида экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни муҳимдир:

– экспертиза амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва умумлаштириб бориш зарур. Чунки, таҳлил натижасида ушбу фаолиятдаги мавжуд камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ушбу таклиф ва тавсиялардан эксперт-криминалистика хизматларининг келгуси фаолиятида фойдаланиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини расмийлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга сабаб бўлади;

– эксперт-криминалистика хизмати иш фаолиятида мавжуд назорат ҳужжатлар, ҳужжатлаштириш ҳамда иш юритиш фаолиятининг тўғрилиги мунтазам равишда текшириш. Бу фаолият натижасида ҳисобга олиш ва рўйхатга олиш журналларини юритиш, экспертиза натижалари ва эксперт хулосаларини расмийлаштириш жараёнининг тўғри юритилаётганлиги аниқланади, камчиликларга йўл қўйилмаслигига эришилади;

– тадқиқот объектларини текширишда экспертиза тадқиқотлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатларини аниқлаш ва бунга нисбатан тегишли чоралар кўриш лозим. Чунки, бу ҳолат эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг иш фаолиятида масъулиятсизликни келтириб чиқаради ва натижада бутун тизим самарасиз иш олиб боради.

## 16-§. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эксперт хулосаси – иш бўйича далиллардан бири ҳисобланади. У суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи томонидан барча бошқа далиллар каби баҳоланади. Далилларни баҳолаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасида келтирилган: «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади. Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади. Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади. Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади», яъни суд, прокурор, терговчи ва суриштирувни олиб бораётган шахс далилларни баҳолашда ўзининг ички туйғусига, қонунга таянган ҳолда кўрилаётган ишнинг тафсилотини ҳар томонлама чуқур ва объектив ўрганиб, ўз ички туйғусига асосланади.

Ҳар қандай далиллар суд, прокурор, терговчи, суриштирувни олиб бораётган шахс учун олдиндан кўрсатилган кучга эга эмас. Фуқаролик-процессуал кодексида далилларни баҳолашда худди шу принциплардан келиб чиқилади (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 63-моддаси*).

Далилларни баҳолаётган шахсларнинг қабул қилган қарори тўғри эканлиги бўйича ички туйғуси иш бўйича тўпланган ҳамма далилларни холисона кўриб чиқиш натижаларига асосланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, тушунтирилиши ва асослантирилиши лозим. Масалан, суд кўриб чиққан далиллар бўйича, хусусан эксперт хуло-

саси асосида у ёки бу хулосага келгандан сўнг ўз фикрини ҳукмда (ажримда) асослаб бериши керак.

Далиллар, шу жумладан, эксперт хулосаси ҳам баҳолаш жараёнининг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятга эга, лекин далилларни баҳолашнинг ҳамма босқичларида ҳам унинг мақсади ва принциплари бир хил. Бунда суриштирув органи, терговчи, прокурор ва судга қўйиладиган ягона талаб – далиллар тўғри баҳоланишига жавобгарликдир.

Эксперт хулосасини ички туйғу асосида баҳолаш объектив ҳолатларни инобатга олмасдан баҳолаш дегани эмас. Бу жараёнда қуйидагилар ҳар доим текширилади:

– экспертиза тайинланганда ва ўтказилганда жиноят-процесси ва фуқаролик-процесси қонунларининг талабларига риоя қилинганлиги;

– замонавий фан нуқтаи назаридан берилган эксперт хулосаси асосланганлиги;

– экспертиза ўтказилганда тадқиқ қилинган материаллар, уларга қўйиладиган талабга жавоб бериши, экспертиза ўтказилганда усул ва методларнинг тўғри қўлланилганлиги;

– иш бўйича тўпланган далилларга эксперт томонидан аниқланган фактларнинг тўғри келиши.

*Экспертиза тайинлаш ва ўтказишида процессуал қонунларга риоя қилинганликни баҳолаш.* Эксперт хулосасида аниқланган фактлардан далил сифатида фақат экспертиза тайинланишида ва ўтказилишида қонунга риоя қилинган бўлса фойдаланиш мумкин. Эксперт хулосаси баҳоланганда суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувни олиб борган шахс қуйидагиларни аниқлаши лозим:

*Хулосанинг ваколатли шахс томонидан берилганлиги.* Қонун фақат у ёки бу масалалар бўйича махсус билимга эга бўлган шахслар томонидан экспертиза ўтказилишига рухсат беради. Ҳозирги вақтда экспертларни аниқ экспертиза турлари бўйича мутахассислар бўлганлиги сабабли терговчи (суд) тадқиқотлар эксперт муассасасининг ходими томонидан ўтказилганлигини ҳамда ушбу шахс махсус саволларни ҳал қилишга ваколатли ёки йўқлигини ҳам аниқлаши лозим. Эксперт малакаси ҳақидаги маълумотлар хулосанинг кириш қисмида баён этилиши керак.

Эксперт муассасасининг раҳбари томонидан эксперт била туриб ёлғон хулоса берилганлиги, хулоса беришдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги бўйича ёзма мажбурият (тилхат) ҳам хулосанинг кириш қисмида берилади.

Агар экспертиза дастлабки тергов жараёнида ўтказилган бўлса, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари билан экспертнинг танишишига имкон яратилганлиги, қўшимча материал тақдим қилиш зарурлиги ҳақидаги эксперт талабномаси қондирилганлиги, айбланувчи (гумон қилинаётган шахс)нинг манфаатини таъминловчи қонун талабларига риоя қилинганлиги ҳам аниқланиши лозим. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича тайинланган ва ўтказилган экспертиза хулосаларини баҳолашда, фуқаролик-процессуал кодексининг талабларига экспертиза ўтказилганда (хусусан, ишни кўриб чиқишга тайёрлаш босқичида) риоя қилинганлиги ҳам эътибор қаратилади.

Хулосани тўғри баҳолаш учун унинг таркиби бўлган кириш, тадқиқот ва яқун қисмларини кўриб чиқиш лозим.

*Кириш қисмини баҳолаш.* Хулосанинг кириш қисми баҳоланганда, аввало, экспертиза қайси ҳужжат асосида ўтказилганлигини аниқлаш керак. Экспертиза ўтказиш учун фақат экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) процессуал асос бўлиб хизмат қилади. Қарор (ажрим) билан танишганда, хулосанинг кириш қисмида ҳамда қарор (ажрим)да текшириладиган ҳужжатлар, материаллар, объектлар ва уларнинг номланиши тўғри қайд этилганлигини аниқлаш лозим.

Хулосада, эксперт олдида ҳал қилиш учун қўйилган саволларга жиддий аҳамият бериш лозим, чунки уларни таҳлил қилгандан сўнг эксперт олдида қўйилган вазифаларнинг тўғри тушунганлиги ҳақида мулоҳаза қилиш мумкин бўлади.

Агар эксперт савол шаклини ўзгартирган бўлса ёки саволларни гуруҳларга ажратган бўлса, терговчи эксперт олдида қўйилган саволларнинг маъноси ўзгармаганлигини текшириши лозим.

Идентификацион тадқиқотлар ўтказилганда таққослаш учун тақдим этилган намуналарни танлаб олиш қоидалари таъминланишини ва шу намуналарнинг сифати, тўлиқлигини текшириш лозим, чунки хулосанинг тўғрилиги айнан шунга боғлиқ. Ундан ташқари, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да намуна сифатида қайд этилган ҳужжатлар қўлланилганлиги аниқланади.

*Хулосанинг тадқиқот қисмини баҳолаш.* Хулосанинг тадқиқот қисми баҳоланганда аввал эксперт фойдаланган методларнинг илмий жиҳатдан асосланлиги аниқланиши керак. Чунки ҳукм асосига фақат илмий методикаларга таянган ҳолда ўтказилган экспертиза хулосаси олиниши мумкин.



Экспертиза хулосасини тасдиқлаш учун у ёки бу илмий асос келтирилганда унинг афзаллиги изоҳланиши ва хулосани баҳолашда шахсларга бунга ишонч ҳосил қилиши учун имкон яратиши лозим. Масалан, суд-хатшунослик экспертизасида ёзувнинг ишланиш даражасини қисқа вақт ичида ўзгартириш мумкин эмаслиги аниқланган, бу турғун белги ҳисобланади. Шунинг учун агар тахминий ижрочининг ёзувини ишлов даражаси тадқиқ этилаётган имзонинг ишлов даражасидан анча паст бўлса, фақат ишлов даражаси бўйича имзони тахминий ижрочи бажармаганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Эксперт хулосаси илмий асосланганлигини баҳолаш, эксперт тадқиқот учун қўллаган методларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ. Тадқиқ услубларига амал қилмаслик экспорт хулосасини рад этишга ва такрорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

*Экспертнинг якуний хулосаларини баҳолаш.* Бунда, дастлаб эксперт ҳамма қўйилган саволларга жавоб берганлиги, сўнг хулоса тадқиқот қисмида келтирилган илмий асосларга мослигини текширади.

Қўйилган саволларга жавоб тушунарли ва аниқ бўлиши лозим. Агар эксперт қўйилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бермаган бўлса, қўшимча экспертиза тайинланиши мумкин.

Эксперт олдида қўйилган саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб берганлигини хулосани ўрганиб, кириш ва тадқиқот қисмдаги ахборотларни таққослаб аниқлаш мумкин. Агар хулосанинг кириш, тадқиқот ва якуний қисмлари мантиқан бир-бирига зид бўлса, уни ҳукм асосига киритиб бўлмайди. Баъзи бир терговчи (суд)лар фақат экспертнинг якуний хулосаларига эътибор қаратиб, кириш ва тадқиқот қисмларига аҳамият бермайдилар. Бу нотўғри, чунки бунда хулосада келтирилган фактлар, таққослаш материалларининг етарли бўлганлиги каби масалалар аниқлашнинг имкони бўлмайди.

Ҳар бир ҳолатда идентификацион белгиларга нисбатан берилган хулоса қарама-қарши эмаслигини текшириш лозим. Гоҳида эксперт объектларнинг ҳар хиллигини аниқлаб, бу ҳақдаги белгиларни таърифлаб, эътиборсизлик ёки совуққонлик туфайли ижобий хулоса қилади (ёки аксинча). Баъзан кириш қисмида баён қилинган ҳолатлар тадқиқот қисмидаги ҳолатларга зид бўлади. Гоҳида тадқиқот қисмининг ўзида ҳам зиддиятлар учраб туради. Бундай зиддиятлар эксперт хулосасининг далилий аҳамиятини камайтиради ва уни рад этишга ёки такрорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Эксперт хулосаси ва терговчида шубҳа туғдирмайдиган иш бўйича йиғилган бошқа далиллар мослиги унинг янада ишончлилигининг

омилидир. Агар эксперт хулосаси иш бўйича бошқа далилларга зид бўлса, бунинг сабабини аниқлаб, зиддиятни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Худди шундай одил судловни ўтказишга эксперт хулосасига асоссиз шубҳа билан қараш ҳам халал беради. Агар эксперт хулосасини баҳолаш натижалари унинг тўғрилигига шубҳа туғдирмаса, мазкур экспертизанинг тўғрилигини текшириш учун такрорий экспертиза тайинлашнинг зарурати бўлмайди. Бу фақат терговнинг ва ишнинг судда кўрилиши муддатининг чўзилишига сабаб бўлади.

Ҳар доим ҳам дастлаб ўтказилган икки экспертиза ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тўғри эмас. Айрим ҳолларда улардаги фарқларни ишдаги материаллар билан биргаликда хулосаларни танқидий баҳолаш орқали бартараф қилса бўлади.

Терговчи (суд) хулосани баҳолашда нафақат икки хулоса ўртасидаги фарқни, балки эксперт аниқлаган ва иш бўйича бошқа далиллардан келиб чиқадиган фактлар ўртасидаги фарқларни ҳам аниқлаши мумкин. Бунда эксперт хулосаси нафақат айрим далилларга (масалан, айбланувчининг кўрсатмаларига), балки иш бўйича йиғилган барча далилларга ҳам зид бўлиши мумкин. Терговчи (суд)нинг вазифаси бу фарқнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши уларни бошқа далиллар билан биргаликда бартараф этишдир.

*Экспертнинг хулоса бериш учун имкон йўқлиги ҳақидаги хулосаси баҳолаш.* Агар экспертнинг олдига қўйилган савол унинг махсус билими чегарасидан чиққан бўлса ёки экспертиза ўтказиш учун юборилган материаллар етарли бўлмаса, у экспертиза тайинлаган органга хулоса беришнинг имкони йўқлиги ҳақида маълумот беради. Бу ҳақда хулосани у хулосада ёки хулоса бериш имкони йўқлиги ҳақидаги акт шаклида расмийлаштиради (ЖПКнинг 185-моддаси). Мабодо, эксперт баъзи саволлар юзасидан хулоса бериб, бошқа саволлар бўйича хулоса беришга имкон йўқ деб ҳисобласа, у ҳолда битта ҳужжат – эксперт хулосаси тузилади.

Хулоса беришнинг имкони йўқлиги ҳақидаги маълумотни беришга асос – тадқиқ қилинувчи объект ва таққослаш учун материаллар билан боғлиқ бўлиши мумкин: тадқиқ қилинувчи объектнинг унинг кичик ҳажми, тўлиқ қайта тиклашнинг имкони йўқлиги, таққослаш материалларининг йўқлиги ёки эркин ва тажрибавий намуналарни олишнинг имкони йўқлиги.

Намуналар етишмаслиги туфайли хулоса бериш имкони бўлмаганлиги ҳақидаги хулосани эксперт фақат суд ажримда, терговчининг қарорида ёки бошқа ҳужжат (маълумот, хат ва шу кабилар)да намуналарни тўлдириб бўлмаслиги ҳақида кўрсатилган бўлсагина бериши мумкин. Агар бундай маълумот бўлмаса, эксперт талабнома юборишга мажбур ва бу талабномани қондиришнинг имкони йўқлиги ҳақида эксперт хабар олганидан сўнг масалани ҳал қилиш учун имкон йўқлиги ҳақида хулоса беради.

Хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақидаги маълумот худди эксперт хулосасини баҳолаш принциплари бўйича амалга оширилади.

Кўпинча терговчи (суд)лар бундай маълумотларга танқидий ёндашмайдилар. Такрорий экспертизалар ўтказиш амалиёти кўрсатадики, баъзида хулоса беришнинг имкони йўқлиги ҳақидаги маълумотлар эксперт аниқлаган белгиларнинг нотўғри баҳолаганидан, намуналарнинг етарли эмаслигидан, айрим ҳолларда эса эксперт ўзини муҳофаза қилишидан келиб чиқади. Такрорий экспертиза ўтказилганда бирламчи экспертиза жавоб бермаган саволларга жавоб берилганлигига мисоллар кўп. Лекин суд (терговчи) томонидан сифатли қўшимча материаллар билан таъминламай такрорий экспертиза тайинланиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Баъзида такрорий экспертизани тайинлаш терговчи (суд)нинг эксперт қандай сабабларга таяниб ўз олдига қўйилган саволларни ҳал қилмаганлигини тушунмаслиги оқибати бўлади.

*Эксперт хулосасидан иш ҳолатларини аниқлашда ва қонунбузарликларнинг олдини олишда фойдаланиш.* Эксперт хулосасини баҳолаб, терговчи (суд) иш ҳолатларини аниқлашда ундан тўғри фойдаланиши керак. Агар хулосада айрим ҳолатлар ҳақида маълумот бўлса, хулосанинг терговчи (суд) томонидан тўғри деб баҳоланиши шу ҳолатларни терговчи (суд) аниқлаганини билдиради.

Жиноий ишлар бўйича экспертиза ўтказилганда жиноят содир қилишга ёрдам берган ҳолатлар ҳам аниқланиши лозим. Бу, аввало, суд-бухгалтерлик, суд-автотехник, криминалистик экспертизаларга тегишлидир.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар эксперт муассасалари ходимларига суд (терговчи)нинг топшириғига ва ўз ташаббусига биноан, махсус билимларига таянган ҳолда жиноят содир этишга ёрдам берган ҳолатларни аниқлашни юклаган. Хусусан, бухгалтер-экспертлар кўпинча бухгалтерлик ҳисобидаги камчиликларни, автотехник-

экспертлар йўл-ҳаракатидаги камчиликларни, криминалист-экспертлар эса ҳужжатдаги камчиликлар ва ҳоказоларни аниқлайдилар. Афсуски, суд (терговчилар) жиноят содир этишга қулай вазият яратган шароитларни аниқлашга қаратилган вазифаларни экспертлар олдига қўймайдилар, экспертлар ўз ташаббуслари билан ҳал қилган бу тоифадаги саволларга жавобларни инобатга олмайдилар. Ваҳоланки, экспертнинг профилактик характердаги таклифлари суд (терговчи) томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилиб, жиноятнинг олдини олишда фойдаланиши лозим. Агар суд (терговчи) эксперт тавсияга рози бўлмаса, бу ҳақда асосли ажрим (қарор) чиқариши лозим.

Экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлардан фуқаролик ишлари кўрилаётганда ҳам фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 173-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – №22. – 174-м.

*Закурлаев А.К.* Йўл транспорт ходисаларида суриштирувчи ва терговчи томонидан эътибор қаратиладиган жиҳатлар // Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2015.

*Абакиров К.К.* Процессуальные и организационные проблемы применения специальных познаний при производстве судебных экспертиз: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 44-55.

*Астанов И.Р.* Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. Дисс. ... юрид. фан номзоди. – Т., 2010.

*Ивашко В.И. и др.* Деятельность экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел по применению экспертно-криминалистических методов и средства в раскрытии и расследовании преступлений. – М., 1996.

*Кочубей А.В.* Теоретические основы учения о микрообъектах: Монография. – Волгоград, 2007.

*Ожегов С.И.* Словарь русского языка. – М., 2000.

*Орлова В.Ф.* Законодательная регламентация судебной экспертизы: состояние и пути совершенствования // Судебная экспертиза. – 2004. – №1. – С.12-14.

*Орлова В.Ф.* Проблемы унификации правовой основы судебной экспертизы и пути их решения // Теория и практика судебной экспертизы. – 2007. – №4. – С.15.

*Рисунков Н.К.* Криминалистика: проблемы и тенденция развития. – М., 2006.

*Скорченко П.Т.* Криминалистика: технико-криминалистическое обеспечение расследования преступлений. – М., 2004.

*Смирнова С.А.* Судебная экспертиза на рубеже XXI века. Состояние, развитие, проблемы. 2-е издание, переработанное и дополненное. – СПб., 2004.

*Тарасов А., Тарасов М.* О коллизиях в нормативной регламентации судебно-экспертной деятельности по уголовным делам // Уголовный процесс. – 2008. – №1. – С.98-103.

*Хафизов Ш.Н.* О нормативно-правовом регулировании судебно-экспертной деятельности // Адвокат. – 2007. – №5. – С. 58-61.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
1-§. Микрообъектлар тушунчаси ва уларнинг таснифланиши .....	6
2-§. Ҳодиса содир бўлган жойда микрообъектларни аниқлаш ва олиш .....	15
3-§. Микрообъектларнинг дастлабки тадқиқотлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари .....	23
4-§. Микрообъектлар бўйича экспертизалар .....	28
5-§. Суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш масалалари .....	30
6-§. Металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар экспертизаси .....	48
7-§. Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси .....	50
8-§. Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси .....	53
9-§. Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материали экспертизаси .....	57
10-§. Шиша ва ундан тайёрланган буюмлар экспертизаси .....	63
11-§. Махсус кукунлар экспертизаси .....	65
12-§. Полимер материаллар (пластмассалар, резина, елимли материаллар) ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси .....	67
13-§. Одам ДНК суд-биологик экспертизаси .....	69
14-§. Суд-биологик экспертизалари .....	73
15-§. Экспертиза натижалари ва эксперт хулосасини ҳужжатлаштириш .....	75
16-§. Эксперт хулосасини баҳолаш ва ундан фойдаланиш .....	78
Адабиётлар рўйхати .....	85

НИКИШИН Геннадий Фёдорович;  
ХУСАНОВ Анвар Джумабаевич;  
МАМАТҚУЛОВ Тулқин Бойхўрозович;  
ЛУҚМОНОВ Музаффар Мухторхонович

# **МИКРООБЪЕКТЛАР ТАДҚИҚОТИ**

*Ўқув қўлланма*

*Муҳаррир С.С.Қосимов*  
*Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов*

---

Босишга рухсат этилди 04. 05. 2017. Нашриёт-ҳисоб табағи 5,0.  
Адади 30 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.